



ФАРҒОНА СЎНМАС АЗМУ ШИЖОАТ, БОЙ ИЛМУ МАЪРИФАТ, ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК БИЛАН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАКТАБИНИ ЯРАТМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи кунинда ижтимоий-иқтисодий комплекслар фаолияти билан танишиб, ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Халқимиз азалдан “эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал” тамойилига амал қилиб яшаган. Аждодларимиз қарийб уч минг йил аввал яхши ният сўзга айланиб, амалий ифода топиши инсон ҳаётини бахтга буркаши ҳақида ёзиб қолдирган. Ҳаётнинг ўзгармас ушбу қондасига амал қилганларнинг иқболи доим банд бўлган. Ана шу қадим ҳақиқат янги Ўзбекистондаги ўзгаришларда ҳам ўз аксини топиб бормоқда. Бугун халқимиз ёруғ ният билан яшаб, эзгу амалларга қўл урмоқда.

Худди шунингдек, мамлакатимиз етакчиси Фарғона вилоятига аввалги ташрифлари чоғида бир қанча эзгу ташаббуслар, катта лойиҳаларни бошлаб берган эди. Утган қисқа даврда ушбу эзгу сўз амалий ифода топди. Натигада вилоят ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиш йўлида дадил бормоқда.

Янгиланишлар жараёнида меҳнаткаш, оққўнғил ва олижаноб вилоят аҳлининг бой илму маърифати, юксак ватанпарварлиги ва ҳамжихатлиги қўл келатгани ҳам рост. Водийликлар сўнмас азму шижоати билан бугун замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, АТ парклари, “Янги Ўзбекистон” турар жой массивларини барпо этишда фаол қатнашапти. Одамларнинг дунёқарашини ўзгартириб, фаровонлиги ортиб борапти.

Фарғона шаҳрида ташкил этилган “Фарғона экспо” халқаро кўргазмалар маркази ана шу янгиланишлар, қўлга

киритилаётган ютуқларга ҳамоҳанг тарзда вилоят иқтисодий барқарорлиги учун катта тиргак яратиши шубҳасиз. Чунки инвестиция, аввало, давлатнинг ўз келажагига ишончи, барқарор тараққиётга интилишнинг моддий ифодасидир. У фақат иқтисодий ўсиш воситаси эмас, балки цивилизация танловдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция стратегик барқарорликни таъминлаш механизмига айланаётгани боиси ҳам шунда. “Янги Ўзбекистон” концепцияси доирасида инвестиция сиёсати микродорий ўсишдан сифатли трансформацияга ўтмоқда.

Шу маънода, марказ фаолияти вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини кенг намойиш этиш, саноат кооперациясини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш ва инвесторлар учун қўлай сервис муҳитини яратишда катта қўлайлик тақдим этади. Содда қилиб айтганда, марказ кўргазмалар ўтказилган жой бўлиш билан бир қаторда, тадбиркорлар ва инвесторлар учун яхлит мулоқот майдончаси вазифасини бажаради. Яъни бу ерда тадбиркорлар учун қўлай ишбилармонлик экотизми яратилган. Бу тизим давлат идоралари, ишлаб чиқарувчилар, экспортчилар ва инвесторлар бир майдонда учрашиб, амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши, ўз навбатида, давлат ва бизнес ўртасидаги тўсиқларнинг олиб ташланишига хизмат қилади.

Беш гектар майдонни эгаллаган мажмуада 200 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи

корхоналар маҳсулотларини намойиш этиш имконияти яратилган. 8 қаватли бинонинг дастлабки икки қавати савдо, инвестиция ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар учун ажратилган. Юқори қаватларда эса инвесторлар ва бизнес вакиллари ҳамкорликда фаолият юритиши учун қўлай шароит яратилган.

Қарийб 147,5 миллиард сўм ҳисобига барпо этилган муҳташам мажмуада 15 та тармоқ йўналиши бўйича йил давомида доимий кўргазма-ярмарка фаолият юритади. Умуман олганда, мажмуа фаолияти “Бизнес учун хизмат” тамойили асосида саноат кооперациясини кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, хорижий инвесторларни жалб этиш орқали вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини глобал даражага кўтаришга замин яратади.

Фарғона таърибасининг самарадорлигини инобатга олган ҳолда, бундай замонавий кўргазма залларини Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳам барпо этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари марказда вилоятнинг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятига оид кўргазмалар билан танишиди. Машинасозлик, электротехника, заргарлик, чарм-пойабзал, хўнарамдчилик, тиббиёт ва фармацевтика каби тармоқлар маҳсулотлари намойиш этилди.

Шунингдек, ҳудуд учун стратегик аҳамиятга эга янги инвестиция лойиҳалари тақдими ўтказилди. Президентимиз инвесторлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз етакчиси вилоятга ташрифининг биринчи кунини Марғилон шаҳридаги “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиш маросимида “Фарғонага бу сафар ҳам янги-янги ташаббуслар, катта-катта лойиҳалар билан келдим. Мақсад — вилоят ривожини янги босқичга олиб чиқиш, уни барча соҳаларда намунали ҳудудга айлантиришдан иборат”, деди.

Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда ушбу ташаббус ва лойиҳалар маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, вилоят иқтисодиётида кейинги йилларда кузатилаётган ўзгаришларга тўхталди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда вилоятда 8 миллиард 200 миллион доллар инвестиция ҳисобига 8000 та замонавий қувват ишга туширилди. Тадбиркорлик учун 100 триллион сўм ресурс йўналтирилди, тижорат майдонлари 10 миллион квадрат метрга кенгайди. 13 минг 500 киши ва ўрта корхона ташкил этилиб, уларнинг сони қарийб 2 баробар ошди. Натигада ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7, саноат 1,5, хизмат кўрсатиш эса 3 баробар ўсди. Асосийси, сўнгги тўрт йилда ишсизлик 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик даражаси эса 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушди.

Уй-жи қурилиши бўйича ҳам катта ишлар қилинмоқда. Масалан, Марғилондаги Ипакчи ва Қирғули маҳаллаларида 241 та эски ҳовли ўрнида 2500 хонадонли

кўп қаватли уйлар барпо этилди. Наврўз маҳалласида қурилатган “Янги Ўзбекистон” массивига бу йил яна 6500 оила қўчиб киради. Бундай ишлар Ёзёвон, Қува туманлари, Қўқон ва Фарғона шаҳарларида ҳам давом этмоқда.

Кейинги ўн йилда вилоятда 74 минг ўринли мактаб, 145 минг ўринли боғча ва 3000 койкали шифоналар ишга туширилди. 167 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларда 40 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Ўқитиш сифати ошгани натижасида ёшларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи бўйича Фарғона мамлакатда учинчи ўринга кўтарилди.

Қишлоқ ҳўжалигида 15 минг гектар саноатлашган бог ва тоқзор барпо этилди, яна 6000 гектари янгиланди. Мева-сабзавот экспорти 3 қарра кўпайиб, 400 миллион долларга етди. Фарғона, Сўх, Қува туманлари, Марғилон ва Қўқон шаҳрида туризм жадал ривожланмоқда. Утган йили хорижий сайёҳлар сони илк бор 500 мингдан, маҳаллий меҳмонлар 3 миллиондан ошди, туризм экспортидан тушган даромад эса 185 миллион долларга етди.

— Фарғона аҳли биздан янада катта натижа кутаяпти, — деди Президентимиз.

Шу боис, жорий йил вилоятда иқтисодиётни 9,1, саноатни 9 фоиз ўстириш, 4,5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш, экспортни 2 қарра кўпайтириб, 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Фарғона давлат идоралари, саноат, сервис ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий технологиялар, рақамли ечимлар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш бўйича намуна бўлиши кераклиги таъкидланди.

“Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастури бўйича сертификат олган ёшларнинг энг кўпи Фарғона вилояти ҳисобига тўғри келади. Вилоят ва туман раҳбарларига иқтидорли ёшларни жалб этган ҳолда давлат идораларидаги хизматлар ва жараёнларни рақамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлайликларини ошириш топширилди.

Маҳаллаларнинг устунликларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, иш ўрни, қўшилган қиймат ва аҳоли даромадини кўпайтирадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Масалан, Ёзёвон тумани имкониятлари сунъий интеллект ёрдамида ўрганилганда туман иқтисодиётида асосий эътиборни логистикага қаратиш зарурлиги аниқланган. А-373 магистралнинг Ёзёвондан ўтган 35 километр қисми орқали кунига 30 минг транспорт воситаси ҳаракатланади. Туманда логистика марказлари, йирик омборлар, йўлбўйи сервис объектларини кўпайтириш орқали иқтисодий айланмани яна 1 триллион сўмга ошириш мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

ЧЕХИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29-30 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, кўп қиррали Ўзбекистон — Чехия ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Ўзаро савдон кўпайтириш, машинасозлик, “яшил” энергетика, кимё, фармацевтика ва транспорт соҳаларида кооперацияни кенгайтириш диққат марказида бўлади. Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик

масалалари муҳокама қилинади.

Халқаро кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Ташриф доирасида Бош вазири Андрей Бабиш Ўзбекистон — Чехия бизнес форумида ҳам иштирок этади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЧЕХИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ КЕНГАЙМОҚДА

29–30 апрель кунлари Чехия Бош вазири Андрей Бабиш расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси ҳамда глобал таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган шароитда бир-биридан олис ҳудудларда жойлашган Ўзбекистон ва Чехия икки томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириб, унга янада тизимли ва кўп қиррали тус бермоқда. Сиёсий мулоқотни кенгайтириш, савдо-иқтисодий шерикликни мустаҳкамлаш ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш томонларнинг шерикликни чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигини акс эттиради.

Тошкент ва Прага ўртасидаги барқарор алоқаларнинг шаклланиши 1993 йил 1 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён тўпланган ўзаро ҳамкорлик таърибасига таянади.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳамкорликнинг

муҳим элементи ҳисобланади. Хусусан, 2025 йил 23 сентябрь кунини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессияси доирасида Чехия Президенти Петр Павел билан учрашув ўтказди. Бу турли соҳалардаги қўшма лойиҳаларга янги суръат бағишлаш имконияти берди.

Ўзбекистон ва Чехия кўп томонлама платформаларда ҳамкорликни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги алоқалар халқаро тадбирлар доирасида мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистон ва Чехия ташқи ишлар вазирларининг Люксембургда бўлиб ўтган “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” ҳамкорлик кенгаши йиғилиши ҳамда Скопе шаҳрида бўлиб ўтган

ЕХХТ ТИВ кенгаши йиғилиши доирасида икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

2024 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 79-сессияси доирасида бўлиб ўтган учрашувда ҳам икки давлат ташқи ишлар вазирлари мулоқот қилган эди. Унда вазирлар ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

2024 йил октябрь ойида Чехия ташқи ишлар вазири Ян Липавский расмий ташриф билан Тошкентга келиб, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири ва бошқа расмий шахслар билан учрашувлар ўтказган. Бу учрашувлар томонлар ўртасидаги сиёсий мулоқотнинг барқарор ривожланиб бораётганини аниқлади.

▶ Давоми 3-бетда

БУ МАСКАН БЎЛАЖАК ЖАҲОН ВА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

ҚАШҚАДАРЁДА ЗАМОНАВИЙ СУВ СПОРТИ САРОЙИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



▶ 2

ФАРҒОНА СЎНМАС АЗМУ ШИЖОАТ, БОЙ ИЛМУ МАЪРИФАТ, ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК БИЛАН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАКТАБИНИ ЯРАТМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Сўнги йилларда Фарғонада АТ хизматлари 4 қарра ўсиб, экспорт 23 миллион доллардан ошди. Янги ўқув йилидан Қува тажрибаси асосида яна 16 тумандаги техника умумлар негизида дастурлаш, робототехника, график дизайн ва хорижий тиллар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Фарғона шаҳрида АТ парк университети, Марғилолда ИНХА университетининг филиалини очиб, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва дастурий муҳандислик йўналишларида йилга 1000 йигит-қизни ўқитиш белгиланди.

Электрон тижоратни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада Фарғонанинг улуғи ҳали паст экани қайд этилиб, вилоятда қамида 100 минг квадрат метрли омборхона ташкил қилиш, шундан 30 минг квадрат метрини жорий йилда ишга тушириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Санаят ва хунармандчиликка ихтисослашган 126 та маҳалладаги тадбиркорларни электрон тижорат платформаларидан фойдаланишга ўргатиш вазиғаси қўйилди.

Муҳокама марказидаги яна бир устувор йўналиш қишлоқ ҳўжалиғида мавжуд захираларни ишга солиш бўлди. Қайд этилганидек, вилоятда 370 минг гектар эгизиланди, шундан 55 минг гектари бог ва тоқор. Қолаверса, 5500 гектар бог ва тоқор эскирган, 6000 гектар дашт ва адир ерларидан самарали фойдаланилмапти. Агар мана шулар ишга солинса, қўшимча 300 минг тонна мева-сабзавот ва ихтисодиётга 2 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратиш имкони пайдо бўлади.

“Қува Агростар” агромажмуаси тажрибаси алоҳида қайд этилди. Бу ерда кооперация асосида томорқа ва деҳқон ҳўжалиқлариға кичик цехлар қуриш, деҳқонларни ўқитиш, ин-витро лабораториясида етиштирилган қўчатлар билан таъминлаш ва тайёр маҳсулот экспортға кўмаклашиш йўлга қўйилмоқда. Мана шундай ёндашувларни барча туманда жорий қилиш, 5500 гектар эскирган богларни тўлиқ янгилаш топширилди.

Вилоятда 50 минг гектар кам ҳосилли пахта ва ғалла ерлари ҳамда самараси паст боглар ўрнида супер интенсив боглар яратиш бўйича катта дастур ишлаб чиқилди. Бу йил 611 минг тонна мева, 252 минг тонна узум, 1,8 миллион тонна сабзавот, 119 минг тонна шоли етиштириб, мева-сабзавот экспортини 25 фоиз ошириш ва 500 миллион долларға етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция масалаларига ҳам тўхталди. Қулай инфрақузилма, қонун устуворлиғи ва энг асосийси, юртимизнинг барқарор тинчлиғи хорижий инвесторларни жалб этишда ҳал қилувчи омил бўлаётгани қайд этилди. Мана шу устуворликдан келиб чиқиб, вилоятда санаот зоналари учун ажратилган 1077 гектар ердан самарали фойдаланиш, ҳар бир гектарда йилиға қамида 50 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш асосий мезон бўлиши белгиланди. Санаот зоналарида 5 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш топширилди.

Бешариқдаги Андрахон маҳалласида эркин савдо зонаси ташкил этиш, Қўқондаги механика заводи ҳудудида 70 миллион долларлик йирик савдо комплексини барпо этиш тақлифлари қўллаб-қувватланди.

Туризм соҳасида ҳам катта имкониятлар борлиғи қайд этилди.

— Тарихий обидалар ва бетакорр табиати ўзида жамлаган Фарғонада хорижий туристлар оқимини яна 2-3 қарра оширса бўлади, — деди Президентимиз.

Бунинг учун Қўқон ва Марғилонни зиёрат туризмига, Сўх, Қува, Бешариқ ва Фарғона туманларини табиий ва экотуризмга ихтисослаштириш зарурлиғи таъкидланди. Қувадаги “Каркидон” сув омбори атрофида дам олувчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фақуллода вазиғлар маркази ташкил этилгани қайд этилиб, мамлакатдаги бошқа сув омборларини ҳам боқичма-боқич аҳоли ва сайёҳлар учун қулай масканларға айлантириш вазиғаси қўйилди.

Марғилонда “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиши миллий қадриятлар ва тарихимизни дунёға намойён этадиган муҳим қадам сифатида баҳоланди. Фарғона туманида “Шоҳимардон — Ёрдон” халқаро курорт зонаси, “Водил” малина-агротуризм кластери, “Аввал” кўнгилоҳар туризм мажмуаси ва “Чимён” санаторий-курорт зонаси каби лойиҳалар амалға оширилмоқда. Келаси йил якуниға 300 миллион долларлик 50 та туризм лойиҳасини ишга тушириш зарурлиғи белгиланди.

Қўқонда 64 та маданий мерос объектини қамраб олган 3 та пиёда туризм маршрут ишлаб чиқилган. Шаҳардаги маданий мерос объектларида жойлашган давлат идораларини бошқа биноларға кўчириш, тарихий объектларни туризм ва маданият масканларига айлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Сўх туманида экотуризм, агро ва тиббий туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлиғи таъкидланди. Сўх дарёсининг Сариканда, Истиклол ва Ровон маҳаллаларидан ўтган қисмидаги 130 гектар майдонда йирик туризм комплексини барпо этиш, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда тумани ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш топширилди. Умуман, туманға янги қамчи олиб кириш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиниши айтилди.

Йилгилишда Фарғонанинг бой маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

Қўқон адабий муҳити антологияси ва электрон платформасини яратиш, Адабиёт ва ижод мактабини ташкил этиш тақлиф қилинди. Ёшлар ўртасида китобхонликни омаллаштириш мақсадида вилоятдаги 100 та маҳаллада намунавий маҳалла кутубхоналари ташкил этилади, бук-кафе очган тадбиркорларға солиқ ва ижара тўловлари бўйича имтиёзлар берилди. “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасида ҳар икки йилда Халқаро китобхонлик фестивалини ўтказиш, унға дунёнинг машҳур ёзувчи ва шоирларини тақлиф қилиш ташаббуси илғари сурилди.

Фарғона маданиятининг ажралмас қисми бўлган аския санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Марғилонда Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Республика аския ва қизилчилик санъати маркази ташкил этилгани қайд этилиб, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, туман маданият марказлари ва мусиқа-санъат мактабларида аския ва қизилчилик маҳорати йўналишларини очиш топширилди.

Йилгилишда вилоят ва туманлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакилларининг фикрлари тингланди.

Шундан сўнг Президентимиз Фарғона шаҳридаги АТ парк мажмуасида яратилган шароитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил августда Қорақалпоғистонға ташириқ чоғида барча ҳудудда замонавий АТ парклари қуриш, бинолар шаҳарлар марказида, ёшларға қулай жойда бўлиши, уларда ёшлар ўзини эркин ҳис қилиши учун барча шароит яратилиши лозимлиғи бўйича топшириқлар берганди.

Мазкур мажмуа ана шу топшириққа тўла мос ҳолда барпо этилган, десак муболага бўлмайди. Бинобарин, мажмуа шаҳар марказида, ёшлар учун қулай локацияда жойлашган. Бу ердаги 150 миллион сўм ҳисобига қурилган объект бир вақтининг ўзида 200 нафарға фойдаланувчини қамраб олади. Йилга 3000 дан ортиқ ёшни ўқитиш, амалий лойиҳаларға жалб этиш ва АТ хизматлари кўрсатиш имконига эга.

Тайлим, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш занжири асосида фаолияти йўлга қўйилган марказда фрилансерлар ва дастурчилар учун замонавий коворкинг муҳити, резидент компаниялар учун тўлиқ жиҳозланган офислар ташкил этилган. Қулай инфрақузилма ёшларнинг ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини кенгайтириб, барқарор даромад топишиға хизмат қилади.

Қайд этилганидек, сўнги йилларда Фарғона вилоятида АТ хизматлари ҳажми 4 баробар ўсиб, экспорт 23 миллион доллардан ошган. Ҳозир вилоятда АТ парк резидентлари сони 139 тага етган. Ваҳолакин, 2021 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 6 тани ташкил этарди. Қамров охири бориши ҳисобига 2025 йилда 22,7 миллион долларлик ахборот технологиялари хизматлари экспорт қилинишига эришилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий ахборот технологиялари хабиға айлантириш вазиғаси қўйилган. Янги парк ушбу мақсадға эришиш муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиз. Бинобарин бу ерда резидентлар сонини 200 нафарға етказиш, 700 та янги иш ўрни очиш, хизматлар ҳажмини 1,5 баробар ошириш, 4,6 миллиард сўм бюджет тушуми ҳамда 30 миллион долларлик экспортға эришиш мақсад қилинган.

Бугунги рақамли дунёда фрилансерлик дастурлаш омаллашган, АТ фрилансини бўлиш учун дастурлаш ва инглиз тилини чуқур ўрганиш талаб этилади. Шу каби замон талабларидан келиб чиқиб, келгусида мажмуада сунъий интеллект технологиялари хабини ташкил этиш, бошқарув тизимларини рақамлаштиришға қаратилган лойиҳаларни амалға ошириш режалаштирилган. Шунингдек, сунъий интеллект, дастурлаш, график дизайн, компьютер савдоқонлиғи ва инглиз тили бўйича замонавий ўқув курслари йўлга қўйилди. Стартлар учун венчур молиялаштириш, грантлар ва акселерация дастурлари жорий этилади.

Президентимиз парк резидентлари ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган ёшлар билан мулоқот қилди. Улар илғари сурган ташаббус ва ғоялар қўллаб-қувватланди.

Фарғона вилояти футбол ассоциациясиға қарашли футбол маркази ва “Нефтчи” болалар футбол академияси давлатимиз раҳбарининг навбатдаги ташириқ манзили бўлди. Мамлакатимиз етакчисини марказ ва академияда яратилган шароитлар билан танишди.

Миллионлар ўғлини ҳақида гап кетганида, юртимизда ушбу спорт тури биринчилардан Фарғонада ривожлангани алоҳида қайд этиш жоиз. Айниқса, вилоят ўзига хос футболчилик мактаби, ашаддий муҳлислик маданияти ва истеъодли чарм тўп усталари билан машҳур бўлган.

1962 йилда ташкил этилган “Нефтчи” футбол клуби Ўзбекистон суперлигасининг 6 қарра чемпиони, мамлакат кубогининг 2 қарра ва суперкубокнинг 1 қарра соҳиби бўлгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, клуб 1994 йилда МДХ кубогини финалчисини бўлган, 1994-1995 йилларда эса Осиё чемпиолилар лигасида бронза медалларни қўлга киритган.

Бугун ҳам ҳудудда иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш ва тайёрлаш, макалаи мурабийлар захирасини шакллантириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг муқолаи янги боқичға олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ғи фармони асосида профессионал футбол клублари академияларини ривожлантириш чоралари қўрилиб, 2025 йилда “Нефтчи” болалар футбол академияси ташкил этилди.

Тўрт ярим гектардан ортиқ майдонни эгаллаган академия 150 нафардан зиёд ўқувчи-ёш учун мўлжалланган. Бу ерда 6 та катта ва кичик футбол майдони, замонавий тиббиёт ва реабилитация ускуналари билан жиҳозланган физиотерапия бўлими фаолият юритади.

Бундан ташқари, академияда 1,1 миллион долларлик сунъий қопламали, ҳаво гулмез билан ёпилган ёпиқ футбол манежи барпо этилган.

Вилоятда футбол муҳитини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, интидорли ёшларни саралаш мақсадида UEFA инструкторлари ва бошқа халқаро мутахассислар жалб қилинган.

Мамлакатимиз етакчисини академияда ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг машғулотларини кузатиш.

Давлатимиз раҳбари вилоятта ташириқ доирасида Фарғона халқаро аэропорти ривожлантириш концепцияси тақдими билан ҳам танишди.

Бугун Фарғона аэропортидаги терминал ўтти йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юртиб келмоқда. Унинг ўтказувчанлик қуввати, йўловчиларға қулайлик даражаси, шунингдек, авиация ва ноавиация хизматлари ривожлантириш имкониятлари замонавий талабларға тўлиқ жавоб бермай қолган.

Шу боис, парвозлар географиясини кенгайтириш, ҳудуднинг ўсиб бораётган иқтисодий фаолиғи ва сайёҳлар оқимига мос равишда хизмат кўрсатиш ташминлиш мақсадида аэропорт инфрақузилмасини комплекс ривожлантириш режалаштирилган.

Тақдимида учини-қўнни йўлагини узайтириш ва кенгайтириш, аэродром инфрақузилмасини модернизация қилиш, янги йўловчи ва юк терминалларини барпо этиш масалалари қўриб чиқилди. Майдонни 20 минг квадрат метр бўлиши кутилаётган янги йўловчи терминали ҳозирги имкониятларға нисбатан икки баробар кўп — 1200 нафарға янги йўловчи хизмат кўрсатиш қувватиға эга бўлади. Шунингдек, қўшимча самолёт тураргоҳлари барпо этилиб, ҳаво кемаларини сақлаш имконияти 10 тагача етказилади.

Янги терминалда кенг кутиш заллари, замонавий сервис нуқталари, қулай рўйхатдан ўтиш ва назорат тизимлари, шунингдек, юкори мартабали меҳмонлар учун алоҳида хизмат кўрсатиш шароитлари яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт ҳар қандай ҳудуднинг “дарвозасини” эканини таъкидлаб, бу ерда замонавий сервисни йўлга қўлиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ёндаш тармоқларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берди.

Лойиҳалаш, қурилиш ва янги терминални кейинчалик бошқаришни халқаро стандартлар асосида, тегишли тажрибаға эга хорижий операторларни жалб қилган ҳолда амалға ошириш муҳимлиғи таъкидланди.

Қайд этилганидек, ушбу лойиҳанинг амалға оширилиши Фарғона водийсида транспорт боғлиқлигини кучайтириш, сайёҳлар оқимини ошириш ва ҳудуднинг логистик марказ сифатидаги мавқенин мустаҳкамлашға хизмат қилади.

Шу билан Президентимизнинг Фарғона вилоятиға ташириқ йакунланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

Кейинги йилларда юртимизда “Инсон қадри учун” деган ғоя асосида аҳолининг бахту қамали йўлида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Натижада юртимиз спортчилари жаҳон ареналарида салмоқли ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари нималарға қодир эканини намойён этмоқда.

Куни кеча Президентимиз ташаббуси билан Қарши шаҳрида бунёд этилган янги замонавий сув спорти саройи фойдаланишға топширилди. Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, юрт ардоғидаги меҳнат фахрийлари, ёзувчи-шоирлар, спортчи ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Муроджон Азимов, спорт соҳаси масъуллари, хорижий меҳмонлар сўзға чиқиб, Президентимизнинг Қашқадарё элиға, ёшларға совғаси сифатида бунёд этилган мазкур муҳташам сув спорти саройи жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб беришини таъкидлади.

— Бундан икки йил аввал давлатимиз раҳбари Яққасарой туманида барпо этилган сув спорти саройи билан танишар экан, бундай замонавий шароитлар фақат Тошкент шаҳрида эмас, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудида, хусусан, Қашқадарёда ҳам бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди, — деди сув спорти саройини очилиши маросимида сўзға чиққан Ўзбекистон қасба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. — Ушбу иншоотнинг бунёд этилиши давлатимиз раҳбарининг инсон қадрини улуғлаш ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги кенг қўламли эзгу ва хайрли ишларининг амалий натижасидир.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда



Тўхфа



СУВ СПОРТИ САРОЙИ

Қашқадарё воҳасидан бир хушхабар таралди, Олтин қўллар санъатидан зўр мўъжиза яралди, Тўрт томони қасабанинг меҳри билан ўралди, Биллур қандил каби ял-ял, қўзни олар қиройи, Сув спорти саройи бу, сув спорти саройи.

Қарши шаҳри асли Қашқадарё юраги, Шу юракнинг оташида тинчлик нури тилаги, Насафийлар авлодининг ер кўрмаган қураги, Бу бино ҳам улуғларнинг элга қилган дуоси, Сув спорти саройи бу, сув спорти саройи.

Ўзбекистон ёшларининг йўли сувдек зилолдир, Тонги ёруғ, тунларининг чароғини ҳилолдир, Бу кун янги Ўзбекистон элга янги қамолдир, Олтин медаль бўйнидадир, гар ким содик фидойи, Сув спорти саройи бу, сув спорти саройи.

Бу даргоҳдан юрт ёшлари қушдек қанот қоққайдир, Қўхна Аму, қўхна Сирдек равон-равон оққайдир, Миллатининг чироғини сув ичра ҳам ёққайдир, Ўтинчиғим, ганимлар ҳеч бўлмастлар савдойи, Оддий спорт саройи бу, сув спорти саройи.

Биз эзгулик йўлларида оқиб турган дарёимиз, Бухорийдек, Навоийдек диллар ичра зиёмиз, Қафтингизни очсангиз гар нияти нур, сафомиз, Ўзбекистонинг дуоси ҳам зилол сувдек қиройи, Сув спорти саройи бу, сув спорти саройи.

Етти юзта томошабин етти мингта қўзудир, Спорт деса, Ўзбекистон Ер шарига кўзгудир, Бу оқилу одил сарбон кўксидида ёғдудир, Буюк миллат бошидаги Тангри берган хумойи, Оддий спорт саройи бу, сув спорти саройи!

Маҳмуд ТОЙР,
Ўзбекистон халқ шоири

БУ МАСКАН БЎЛАЖАК ЖАҲОН ВА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

ҚАШҚАДАРЁДА ЗАМОНАВИЙ СУВ СПОРТИ САРОЙИ ФОЙДАЛАНИШЎГА ТОПШИРИЛДИ



сув спортини янада ривожлантиришға муносиб ҳисса қўшуви ушбу мажмуа индивидуал лойиҳаланган бўлиб, барча сув спорти мусобақаларини ўтказишға мўлжалланган. Жами 2 гектар ҳудудда жойлашган сув спорти саройи таркибида 50×21 метр ўлчамли сузиш ҳавзаси, 16×16 ўлчамли, 10 метр баландиқдан сувға сакраш учун мўлжалланган ҳавза ва маҳорат машқлари учун қуруқ бассейни, шунингдек, 6×12 метр ўлчамдаги иккита болалар ҳовузи мавжуд. Баландиқдан сакраш ҳовузиди асосий 5 та сакраш майдонидан иборат минора мавжуд бўлиб, уларнинг баландлиғи 1, 3, 5, 7,5 ва 10 метрни ташкил этади. Сакраш учун 7 та трамплин ўрнатилган.

Бундан ташқари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, мамыурят, медиахудудлар, фитнес ҳамда йилгилиш заллари ҳам бор. Инфрақузилма доирасида 700

ўринли томошабинлар трибунаси, кенг хол, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари, дам олиш ҳудудлари ташкил этилди. Барча ускуна ва жиҳозлар дунёнинг етакчи, ишончли ва машҳур ишлаб чиқарувчи компаниялари томонидан тайёрланган. Юкори сифатли, энергия самардор ва замонавий талабларға тўлиқ жавоб беради.

— Сув спорти саройини қўриб, ҳавасим келди. Воҳада 8-9 йиллар олдин сув спорти ҳақида гапиринишға уларарди, — деди Қашқадарё вилояти сув спорти бўйича бош мураббий Алижон Жаборов. — Илғари ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилса, вилоятимиздан сув спорти бўйича иштирокчи топши муаммо бўларди. Бугун еттига туманимизда сув спорти ҳавзалари мавжуд. Биргина Қарши шаҳрининг ўзида мингта яқин ёшлар сузиш билан машғул. Янги сув спорти саройи эса катта мусобақаларға йўл очади. Бу ерда халқаро талабларға муносиб шароитлар яратилган. Нуфузли мусобақаларни ўтказиш мумкин.

Ушбу масканда сув спорти ишқибозлари бир жойнинг ўзида узоқ масофаға сузиш, сув полоси ва баландиқдан сакраш машқлари билан шугулланиши учун шарт-шароит мавжуд.

— Тўрт ёшимдан сузиш билан шугулланиб келаман, — деди қаршилик Марварид Йўлдошева. — Ҳозир 9 ёшдаман. Шу пайта қадар 10 қарра вилоят чемпиони бўлдим. Келгусида олимпиада чемпиони бўлиш ниятим бор. Янги сузиш ҳавзасини қўриб, хурсанд бўлдим. Бир-биримдан чиройли сузиш ҳавзалари бор экан. Бундан ташқари, бугунги тадбирға мен ҳавас қилган спортчилар келибди. Чемпион оларим билан яқиндан танишдим. Уларнинг қимматли маслаҳатларини олдим. Суратта тушдик. Мурабийимизнинг айтишича, ҳали бу ерда катта-катта мусобақалар ўтказилади. Демак, биз учун яна имкониятлар яратилди.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг синхрон сузиш бўйича “Сув париси — 2026” очик халқаро турнири ғолибларининг чиқиши намойиш этилди.

Шундан сўнг 25-27 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган синхрон сузиш бўйича “Сув париси — 2026” очик халқаро турнири ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

УЛУГВОР ИСЛОХОТЛАР ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТСЕВАРЛИГИНИ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



Дилдаги гаплар

ХАЛҚИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ ЯХШИ КЎРАДИ ВА ҚАДРЛАЙДИ

Қува туманида туғилиб ўсганман. Ёшим саксонга қараб кетяпти. Бу ердаги бепойн қирлар узоқ йиллар давомида қаровсиз, кимсасиз эди. Қарангки, ҳаммиса буткул ўзгариб кетибди. Инсон қўлига деб шуни айтсалар керак-да. Яйдоқ адирликлар бугун серхосил бог-роғларга, гўзал гўшаларга айланди.



Шамсиддин ҚОРАБОЕВ, меҳнат фахрийси

Жуда катта ўзгаришлар юз берди. Бу ерга келиб, қадим масканнинг янги жамоли, ободлигидан ҳайратландим. Айниқса, “Қарқидон” сув омбори ҳудудининг бутунлай янги қиёфага киргани, кенг ва равоён йўللар бугун барчаннинг ҳавасига сабаб бўлмоқда. Бу ишларнинг самарали бажарилаётганида давлатимиз

раҳбарининг ташаббуси, халқимизнинг меҳнатқашлиги ҳал қилувчи ўринга эга.

Дунёда тинчлик, фаровонлик кун сайин долзарб бўлиб бораётган айни даврда халқимиз ҳар кун, ҳар ҳафта мана шундай яхши янгиликларга, байрамона воқеаларга гувоҳ бўлмоқда. Кимдир муболагага йўр, лекин шаҳар ва қишлоқларда буй кўрсатаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, қолаверса, ёшларимизнинг таълим олиши, ишлаши учун яратилаётган шароит ва имконият, имтиёзлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Шундай завқ билан яшаш, тобора гўзаллашиб бораётган юрт равнақида ҳисса қўишни ким хоҳламайди дейсиз?!

Марғилон шаҳридаги “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилишида иштирок этиб, яна бир ҳолатга гувоҳ бўлдим: халқимиз бу ўзгаришларда бош ислохотчи бўлаётган Президентимизнинг яхши кўради, қадрлайди, ишонди! Бугун нафақат вилоятимиз аҳли, балки юртимизнинг турли ҳудудидан келган юртдошларимиз маъруз ташрифини, давлатимиз раҳбарининг нутқини катта қизиқиш ва мамнулик билан эшитди. Билдирилган миннатдорлик ва эътирфдан қалблар фаҳрга тўлди.

МЕН ШУ ЭЛ ФАРЗАНДИМАН

Ўзбекистон ёшлар мамлақати сифатида дунёга юз очди. Бизга яратиб берилган шарт-шароит, имтиёз ва имкониятларнинг ўрни беқиёс. Чекка қишлоқда, оддий оилада яшайман. Ота-онам ҳаммиса бир гапни уқтиради: “Билим олишдан ҳеч қачон тўхтаманг. Илм, меҳнат билан келажакнингизни яратасиз!”

Бу каби эзгу даъватлар, юртимизда ёшларни мукамал билим эгалари бўлиш йўлида яратилган шароитлар мени Фарғона шаҳридаги Президент мактаби сари етаклади. Бу қўлтуғ мактабда билим ва салоҳияти юқори бўлган устозлардан билим олдим, ўқиб, ўргандим. Ютуқларим замирида ақилларим ва албатта, таълимга берилаётган эътиборнинг ҳиссаси катта. Давлатимиз раҳбари ҳар йили юртимиз ёшлари билан юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этади, янги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, ҳар жиҳатдан бизга таянч бўлиб келади. Фарғона вилоятига қилган бу галги ташрифи ҳам ёшлар ҳаёт тарзида янги имконият эшикларини очди. Фарғонада янги олийгоҳлар, АТ марказлар қуриши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш йўлида янги лойиҳаларни ишга туширишга тамал тошлари қўйилгани айни мудоао бўлди. Ёш тадбиркорлар учун имтиёзлар берилаётгани, эхтиёжман оилалар фарзандлари ҳаммиса эътибор марказида бўлиб келатгани кишига катта куч ва илҳом бағишлайди.

Айниқса, “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси



Дилафрўз СОБИРОВА, Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси, АҚШдаги Ҳарвард университетини гранти соҳиби

фаолият бошлагани ёшлар қалбига чексиз гурур, ифтихор олиб кирди. Бундай янгиликлар, бунёдкорликлар юртимиз салоҳияти, куч-қудрати, халқ ҳамжамиятининг ёрқин тимсоли сифатида тарих саҳифаларига мангу муҳрланди. Мақсадларим бир олам. Келажакда юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган етук мутахассис бўлиб етишиши ва халқимизга хизмат қилишни олий саодат деб биламан. Қарерда бўлсам ҳам доим шу эл-юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

ЯШАМОҚ ВА КУЙЛАМОҚ САОДАТИ

Тинч, фаровон юрtda яшаш, куйлаш ҳам саодат. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида янги Ўзбекистон нафаси уфруриб турибди. Улуғвор ислохотлар одамлар ҳаёт тарзида янги имконият эшикларини очмоқда, уларнинг ҳаётсевамлигини, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.



Қиличбек ТОЖИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби

Президентимизнинг гўзал Фарғонага ташрифи қувончи воқеаларга бой бўлди. Янги шаҳарлар, тадбиркорлик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларига инвесторларни жалб этиш йўлидаги лойиҳалар кўлами ҳақида ҳар қанча гапирсак-да оз. Ислохотлар самарасини кундалик ҳаётимизда ўз кўзимиз билан кўриб, ҳаётимизда ҳис қиляпти. Лўнда айтганда, ортга қайтмас ислохотларнинг янги даврдан нафас оляпти.

Давлатимиз раҳбари фарғоналиклар барча ислохотларнинг олдинги сафида бўлишига ишонч билдириди. Буни водий аҳли кўтаринки кайфиятда қабул қилди. Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарларини бир-бирига болговчи поездлар ҳаракати, шаҳар ва инфратузилма тармоқлари қурилиш одамлар узоғини яқин, огирини енгил қилди. Айниқса, яқингача тош-шағалдан иборат яйдоқ дала-дашtda қисқа фарсадда қад ростлаган “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиши катта тантананага айланган бежиз эмас. Муҳташам мажмуа азал-азалдан хунармандлар, меҳмондўст, ширинсухан кишилари билан донг таратган Фарғона тамадулида ўзига хос ёрқин саҳифа очди.

Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Таваккал Қодиров сингари бетақор овоз соҳиблари қолдирган санъат мактаби бугун янада тараққий этиб, ривожланиб бормоқда. Очиқлик тантаналарида бевосита иштирок этишимиз ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб қолади. Бу ерда кўрганларимни батафсил таърифлаб бера олмаيمан. Аммо мажмуа

кўнгилларга улуғворлик, фахр-ифтихор, шукроналик, эртанги кунга ишонч ва шу юртга муносиб фарзанд бўлиш каби юксак туйғуларни олиб кирди. Санъат усталари ижросидаги куй-қўшиқлар одамлар кўнглини кўтарди, ҳаётсевамлиқ туйғуларини жўш урдириди. Юқори савияда ташкил этилган концерт дастури чоғида халқимиз янаона ватан, эзгу мақсадлар йўлида бирлашди. Хушовоз хонандалар, фольклор-этнографик жамоалар, истеъдодли ёш ижрочиларнинг бетақор чиқишлари кечага ўзгача файз, тароват киритди.

Фарғоналиклар бу чиқишларни кўтаринки кайфият, байрамона шукуҳ билан қарши олди. Чунки фаровон, тинч-товуш юртга тўй-тантаналар ярашади. Янги мажмуа катта тантаналар маркази, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун дам олиш, ҳордиқ чиқариш маскани бўлиб хизмат қилади.

Афсонавий шаҳар бўйлаб сайр қилган киши кўхна Марғилоннинг ўтмиши ва бугунги фаровон ҳаёт тарзига ошқурта бўлади. Миллий ва замонавий меъморий аъёналари билан уйғуллаган бунёдкорлик, хунармандчилик аъёналари юртимиз куч-қудрати, салоҳият ва имкониятлари қанчалик юқори эканидан далолат беради.

ҚАЛБЛАРИМИЗ ФАХРГА ТЎЛДИ

Марғилон шаҳридаги “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиши маросимида иштирок этдим. Бу ерда бунёд этилган Илм ҳуқуқшунослиги институти, маком театри, очик амфитеатр, ўлкашунослик музейи, адиб ва санъаткорлар хийбони, хунармандлар маркази, меҳмонхона ва сервис шохобчалари, кўзни қувнатувчи гулзорларни кўриб, қалбимда чексиз фахр ва қувонч туйғулари жўш урди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мазкур мажмуа вилоятимиз ривожига янги даврни бошлаб бериши, янги Ўзбекистон мўъжизалари қаторидан муносиб ўрин олиб, Фарғона вилоятининг ташриф қоғозларидан бирига айланиши хусусидаги фикрларини халқимиз олқишлар билан кутиб олди. Бу кунни ҳеч қачон унутмайман.

Анқлав ҳудуд бўлган “Чўнғара” МФИда ёшлар етакчилиги сифатида иш бошлаганимга кўп бўлмади. Лекин шу қисқа давр ичида катта ўзгаришлар, эзгу мақсадли ислохотлар кечди. Чегарадан ўтишдаги муаммолар бартараф этилгани, олис ҳудуддаги ёшларга берилаётган имтиёзлар, яратилаётган шарт-шароитдан

маҳалламиз аҳли беҳад хурсанд. Ана шу жараёнда “еттилик” сафида янги Ўзбекистон тараққиётига камтарона ҳисса қўшаётганимдан, Учинчи Ренессанс пойдеворини қураётган бахтли ёшлари қаторида эканимдан чексиз мамнумман.

Ҳар сафар вилоятимиз марказига келганимда янги қурилишларга гувоҳ бўлсам, тобора кўкка буйи чўзаётган мустаҳкам биноларни кўриб, кун сайин обод бўлаётган масканларга қараб, ҳаётдан рози ва мамнун кишилар билан суҳбатлашиб, ўзимни янада бахтли ҳис қиламан. Ушбу мажмуага маҳалламиз ёшлари билан саёҳат уюштиришни режалаштиряпмиз. Бу саёҳат аждоқларимиз



Наврўзбек БЎРИБЕКОВ, Риштон тумани “Чўнғара” МФИ ёшлар етакчиси

қолдирган бебаҳо меросдан фахр, ноёб қадриятларимиз ва миллий аъёнларимизга ҳурмат ва садоқат, халқ ва юрт қорига камрабсталик туйғуларини юксалтиришига ишонаман.

ЮКСАЛИШ ТАМАДДУНИ АСОСИ

Марғилон — қўлигул хунармандлар шаҳри. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, кундалик ҳаёт тарзи учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасидаги ислохотлар бу ердаги оилаларга ҳам ҳаловат, қувонч олиб кирди.

Шаҳар аҳли уй-жой қуриш масаласида кўплаб қийинчилик, муаммолар гирдобда қолганди. Битта ҳовлида 3-4 тагача оила яшар, одам сони ошиб бориши билан уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларига ҳам талаб ортарди.

Тош-шағалдан иборат майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши қадим кентга янги ҳаёт нафасини олиб киргандек бўлди. Ҳудудда одамлар ҳаёт тарзи учун зарур барча шароит яратиб берилди. Богча, мактаб, шифохона, савдо ва замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам эътибордан четда қолмади. Ҳаммаси ўзига хос, бетақор.

Марғилон айни пайтда ижодкорлар, зиёлилар шаҳри ҳам. Бу ерда китобга, адабиёт ва санъатга ҳавас, эътибор ўзгача. Образли қилиб айтганда, ҳар бир маҳалланинг отабеклари, қумушлари, увайсийларини нодирабегимлари бор. Ўлмас қадриятларимиз санъат ибодатига, назокат ва

фасоҳат бу қадимий гўшада, унда яшаётганларнинг муомаласи ва муносабатида акс этиб туради.

Президентимизнинг Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари юзасидан ўтказилган йиғилишда айтган тақдир билан, белгилаб берган вазифалари, режа ва мақсадларини тинглаб, юртимизда ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун қаратилганига яна бир бор амин бўлдим. Марғилонда ИНХА университетини филиали очилиши интилувчан, билимга чанқоқ йиғит-қизларини янада қувонтирди. Биз мактабда ўқиган даврда бундай касблар, йўналишлар ҳақида фақат орзу қилардик...

Кейинги йилларда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ваколат ва имкониятларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида қилинган ишлар бу тузилмани аҳолига янада яқинлаштирди. Энди маҳалла аввалгидек



Олияхон ҚОСИМОВА, Марғилон шаҳридаги “Галатой” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

маълумотнома берувчи идора эмас, балки аҳоли муаммоларини ўрганиш, ижтимоий ёрдам қилиш, қадриятлар маскани сифатида ҳам халққа хизмат қилмоқда.



Бошланиши 1-бетда

Экспертларнинг фикрича, Чехиянинг Тошкентдаги элчихонасига қўшимча равишда Ўзбекистоннинг Прагадаги элчихонасининг расмий очилиши тизимли мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон — Чехия муносабатларини ривожлантиришда парламентларо ва идораларо ҳамкорлик муҳим ўрин тутати. Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб,

янада тизимли тус олмақда. 2017 йил феврал ойида Чехия парламенти Депутатлар палатаси раиси Ян Гамачекнинг Ўзбекистонга ташрифи парламентларо алоқалар ривожига қўшимча суръат бағишлади.

Кейинги йилларда ўзаро ташрифлар ва маслаҳатлашувлар шаклида ҳамкорлик давом эттирилди. 2025 йилда ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳларнинг ташкил этилиши алоқаларни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бўлди.

Парламент билан бир қаторда иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларни қамраб

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЧЕХИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ КЕНГАЙМОҚДА

олган идораларо ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

2025 йил 18 март кун Прагада бўлиб ўтган иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Чехия ҳукуматларо комиссиясининг ўнинчи йиғилиши бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, томонларнинг амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва саноат кооперациясини чуқурлаштиришдан манфаатдорлигини акс эттирди. Ўзаро савдо Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги битимларда кўзда тутилган энг кўп қўлайлик яратиш тартиби доирасида амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда савдо динамикаси тўлиқсимон, аммо умуман олганда, ўсуви характерга эга. 2021-2022 йиллардаги пассивдан сўнг барқарор тикланиш кузатишмоқда. 2022 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 184,8 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 344,2 миллион долларга, 2024 йил якунига кўра, 434,7 миллион долларга етди.

Ўзбекистон экспортнинг асосини хизматлар, саноат моллари, тайёр маҳсулотлар, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ташкил

этади. Ўз навбатида, Чехиядан импорт асосан машина ва транспорт ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари ва саноат молларидан иборат.

Иқтисодий ҳамкорликнинг амалий ўлчови қўшма корхоналар фаолиятида ўз аксини топади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Чехия капитални иштирокдаги компаниялар, жумладан, 100 фоиз хорижий корхоналар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Бу чехиялик инвесторларнинг Ўзбекистон бизнесига қизиқиши ортиб бораётгани ва бизнес юртиш учун қўлай шароит яратилганидан далолат беради.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик Чехия ижодий жамоаларининг Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиши билан таъсирланади. Чехия мусиқа ансамблларини аъёнани тарзда Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро фестивалида иштирок этиб келмоқда. Тошкентда ЮНЕСКО кўмагида ташкил этилган халқаро жаз фестивалларида чех жаз гуруҳларининг чиқиши маданий мулоқотни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўйди.

Театр ва адабий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутати. 2016 йилда Тошкентдаги “Илҳом” театрида Ярослав Гашекнинг “Жасур аскар

Швейкнинг саргузаштлари” романи асосида сахналаштирилган спектакль чех адабий меросининг Ўзбекистон маданий маконига интеграциялашувининг намунаси бўлди. 2022 йилда Тошкентда Чехиянинг мумтоз ва замонавий мусиқа ва шеърят кечаси ҳам бўлиб ўтди.

Таълим ва илм-фан соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан биридир. Икки мамлакатнинг етакчи университетлари ўртасида барқарор ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган, қўшма таълим дастурлари ва тадқиқот лойиҳалари амалга оширилмоқда.

1997 йилдан буён Чехия ҳукумати ҳар йили Ўзбекистон фуқароларига олий ўқув юртралида ўқиш учун стипендиялар ажратилмоқда. Шу билан бирга, академик мобилликнинг барқарор ижобий динамикаси кузатишмоқда. Агар 2020 йилда Чехияда 350 нафарга яқин ўзбекистонлик талаба таъсил олган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич тахминан 650-700 нафарга етди. Таълимнинг асосий йўналишлари техник, иқтисодий, аграр ва АКТ мутахассисликларидир.

2023 йилда Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида Чехиянинг етакчи университети иштирокида ўтказилган ихтисослаштирилган кўргазмалар, жумладан,

“Study in English in the Czech Republic” туркум тадбирлари таълим имкониятларини тарғиб қилишнинг қўшимча воситаси бўлди.

Гуманитар алоқаларни ривожлантиришда 2011 йилда Прага шаҳрида ташкил этилган Чехия — Ўзбекистон дўстлик жамияти муҳим ўрин тутати. Ташкилот фаолияти икки мамлакат жамоатчилиги вакиллари ўртасида ўзаро қизиқишни мустаҳкамлаш, алоқаларни кенгайтиришга хизмат қиладиган илмий, маданий ва маърифий тадбирларни ўтказишга қаратилган.

Ўзбекистон — Чехия муносабатларининг бугунги ҳолати сиёсий мулоқот ва парламентларо ҳамкорликдан тортиб, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликкача бўлган барча муҳим йўналишларда изчил ривожланмоқда.

Замонавий халқаро кун тартиби шароитида Тошкент ва Прага прагматизм, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олишга асосланган ўзаро манфаатли шерикликни чуқурлаштиришга интилишни намойиш этмоқда. Ўзбекистон — Чехия алоқаларини янада мустаҳкамлаш нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, балки Ўзбекистоннинг Европа йўналиши билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Шу маънода, Чехия Бош вазири Андрей Бабишининг Ўзбекистонга ташрифи амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим босқич сифатида баҳоланмоқда. Ушбу ташриф саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспорт-логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қўшимча суръат бағишлаши кутилмоқда.



Нуқтаи назар

Бизнес-омбудсман институтининг яна бир муҳим вазифаси — тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларга институционал таъсир кўрсатишдан иборат.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Жаҳон иқтисодиёти ва глобал бизнес модели кун сайин ўзгариб, олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ислохотларнинг асосий драйверига айланган бир пайтда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг 2026 йил 17 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффоқлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида назарда тутилган "Ягона давлат назорати" ахборот тизими давлат назоратини ташкил этишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб бермоқда. Ушбу тизим орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан назорат қилишнинг аънанавий, кўп ҳолларда инсон омилига боғлиқ бўлган усулларидан воз кечиلىб, улар ўрнига тўлиқ рақамлаштирилган, шаффоқ ва ҳисобдор механизм жорий этилмоқда.



БИЗНЕСНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ:

назорат қилувчи эмас, қўллаб-қувватловчи тизим



Абдуманнон БҮРИЕВ, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — бизнес-омбудсман

имконини ҳам беради. Энди ҳар бир текширувни онлайн кузатиб бориш, асоссиз ёки қонуни талабларига эйд ҳолатларни тезкор аниқлаш ва зарур чоралар кўриш мумкин. Тизим инсон омилини минималлаштириш орқали коррупция хавфини камайтиришга қаратилган. Барча жараённинг рақамлаштирилиши, қарорларнинг электрон из қолдириши ва доимий мониторинг қилиниши ноқонуний аралашувлар, асоссиз текширувлар ва мансабдор шахсларнинг суистеъмол қилиш ҳолатларини чеклайди. Натигада давлат назорати тизими адолатли ва шаффоқ механизмга айланади.

Ушбу ахборот тизими тадбиркорлар учун ҳам мутлақо янги имкониятларни очади. Хусусан, улар текширув ҳақида олдиндан хабардор бўлиши, қонунийлигини билиш, ноқонуний ҳаракатларга рад жавобини бериш ва ўз ҳуқуқларини рақамли асосда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади.

Умуман олганда, "Ягона давлат назорати" ахборот тизими давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. У орқали назорат жараёнлари жаровончи эмас, балки тартибга солуви ва профилактика механизмига айланади. Энг муҳими, мазкур тизим тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ортиқча маъмурий босимдан ҳимоя қилиш ва мамлакатда соғлом бизнес муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Ноқонуний текширувларга мурасасизлик тамойили мазкур фармоннинг энг қатъий ва принципиал нормаларидан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларга батамом чек қўйишни назарда тутади. Мазкур ёндашув орқали давлат тадбиркорни ҳимоя қилиш борасида мутлақо янги позицияни эгалламоқда, яъни ноқонуний текширувларга нисбатан ҳеч қандай муросага йўл қўйилмаслиги очик-ёқин белгилаб қўйилади.

Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, энди белгиланган тартиб ва рақамли тизимдан ташқари ўтказилган ҳар қандай текширув автоматик равишда ноқонуний деб эътироф этилади. Яъни текширув "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида рўйхатдан ўтмаган, тегишли электрон рўхсатномага эга бўлмаган ёки белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолатларда натижада ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Бу эса

тадбиркорларнинг асоссиз текширувлардан ҳимоясини тубдан кучайтиради. Энг муҳим жиҳат шундаки, мазкур тамойил тадбиркорга ноқонуний текширувни қабул қилмаслик ҳуқуқини беради. Илгари амалиётда тадбиркор кўп ҳолларда текширувчи талабларига бўйсунушга мажбур бўлган. Энди у қонунига таяниб, бундай текширувни рад этиши мумкин. Тадбиркорнинг ҳуқуқий мақоми сезиларли даражада мустаҳкамланиб, унинг фаолиятига асоссиз аралашувлар кескин камайтирилади.

Ушбу тамойилнинг яна бир муҳим жиҳати профилактика таъсиридир. Яъни назорат органлари ходимлари текширувни бошладан олдин унинг қонуний асослари, тартиби ва оқибатлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур бўлади. Чунки ҳар қандай ноқонуний ҳаракат рақамли тизимда қайд этилади ва жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Бу эса асоссиз текширувлар сонини сезиларли даражада камайтиради.

Шунингдек, мазкур ёндашув давлат ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларни ҳам сифат жиҳатидан ўзгартиради. Назорат жараёнида ишонч, очиклик ва қонунийлик устувор аҳамият касб этади. Тадбиркор ўз фаолиятини хавфсиз ва барқарор муҳитда амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Инвестициявий жозибадорликни оширишга ҳам хизмат қилади.

Фармонда илгари амалиётда аниқ чегараланмаган, кўп ҳолларда эса нотўғри талқин қилинган масалалардан бири — давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги мулоқот тушунчасига ҳуқуқий аниқлик киритилди. Унга кўра, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳар қандай учрашув, маслаҳатлашув ёки тушунтириш ишлари назорат тадбири ҳисобланмайди ва бу жараёндан текширув ёки босим воситаси сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ушбу тамойилнинг жорий этилиши давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар фалсафасини тубдан ўзгартиради. Илгари амалиётда "учрашув" ёки "ўрганиш" ниқоби остида текширув элементлари аралашиб кетган ҳолатлар учраб тургани сир эмас. Бу эса тадбиркорларда давлат органларига нисбатан эҳтиёткорлик, баъзан эса ишонсизлик муҳитини шакллантирган. Янги ёндашув эса ана шу салбий амалиётларга барҳам беришни кўзда тутади.

Давлат органлари тадбиркорлар билан мулоқот қилишда назорат функциясидан воз кечиб, маслаҳатчи ва ҳамкор сифатида иштирок этиши лозим. Мазкур мулоқотдан мақсад тадбиркорлик фаолиятини текшириш эмас, балки унга қўмаклашиш, тушунтириш бериш, ҳуқуқий маслаҳатлар тақдим этиш ва юзага келётган муаммоларни биргаликда ҳал қилишдан иборат бўлади.

Шу билан бирга, мазкур тамойил мулоқот жараёнининг ҳам шаффоқ ва тартибли бўлишини назарда тутади. Хусусан, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги учрашувлар тегишли ахборот тизимларида қайд этилиши, уларнинг мақсади ва мазмуни аниқ белгиланиши лозим. Бу эса мулоқот ниқоби остида назорат ёки босим ўтказиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур тамойил давлат органлари фаолияти ҳам янги талаблар қўяди. Энди улар фақат назорат қилувчи эмас, балки хизмат кўрсатувчи, тушунтирувчи ва қўллаб-қувватловчи институт сифатида фаолият юритиши керак. Бу давлат бошқарувида хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш учун гоёт муҳимдир.

Умуман олганда, бу тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган замонвий ёндашув бўлиб, давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларини янги босқичга олиб чиқади. Шу тариқа мулоқот босим воситасидан ҳамкорлик механизмига айланади. Натигада тадбиркорлик муҳитида ишонч, очиклик ва барқарорлик таъминланади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожини мустаҳкам замин яратади.

Фармонда давлат бошқарувини модернизация қилиш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида давлат хизматларида шаффоқликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тамойил давлат органлари фаолиятини очик, тушунарли ва ҳисобдор қилиш орқали тадбиркорлик субъектлари учун адолатли ва бироз қилинадиган муҳит яратишга қаратилган.

Давлат хизматларида шаффоқлик тамойили фармоннинг муҳим устуворларидан бири бўлиб, у давлат ва бизнес ўртасида ишончли, очик ва адолатли муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса янги Ўзбекистон шароитида замонвий, самарали ва инсон

манфаатларига йўналтирилган давлат бошқарувини барпо этишда муҳим қадамдир.

Фармон доирасида тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу жараёнда Бизнес-омбудсман институтининг роли сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Мазкур институт энди фақат мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш билан чеклиниб қолмай, тадбиркорлик муҳитида қонунийликни таъминловчи, назорат органлари фаолияти устидан тизимли мониторинг олиб боруви ҳамда давлат ва бизнес ўртасида институционал мувозанатни таъминловчи марказий механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Илгари амалиётда Бизнес-омбудсман кўпроқ реактив функцияни бажарган, яъни тадбиркор ҳуқуқлари бузилганидан сўнг аралашган институт сифатида фаолият юритган бўлса, янги ёндашув уни проактив, яъни олдиндан таъсир кўрсатувчи институтга айлантирмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарликларни бартараф этишдан кўра, уларнинг олдини олишга, яъни ҳолатларни кўриб чиқишдан кўра тизимли муаммоларни аниқлашга, оқибатлар билан муаммоларни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тамойил давлат органлари фаолиятини очик, тушунарли ва ҳисобдор қилиш орқали тадбиркорлик субъектлари учун адолатли ва бироз қилинадиган муҳит яратишга қаратилган.

Давлат хизматларида шаффоқлик тамойили фармоннинг муҳим устуворларидан бири бўлиб, у давлат ва бизнес ўртасида ишончли, очик ва адолатли муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса янги Ўзбекистон шароитида замонвий, самарали ва инсон



QR code and text: УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бизнес-омбудсман институтининг яна бир муҳим вазифаси — тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларга институционал таъсир кўрсатишдан иборат. У тақрирланувчи ҳуқуқбузарлик ҳолатларини таҳлил қилади, қонунийликда бўлишлар ва зиддиятларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Шу билан бирга, мазкур институт давлат ва тадбиркор ўртасида мувозанатни таъминловчи механизм сифатида ҳам фаолият юритади. У бир томондан тадбиркорларни ҳимоя қилса, иккинчи томондан давлат органларининг қонуний талабларини амалга оширишга қўмаклашади.

Ахборот технологияларининг жорий этилиши Бизнес-омбудсман фаолияти самардорлигини янада оширади. Мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва мониторинг қилиш жараёнлари рақамли шаклга ўтади. Тезкорлик ва холислик таъминланади.

Энг муҳими, мазкур институт тадбиркорлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя механизмига айланади. Умуман олганда, Бизнес-омбудсман институтининг роли кучайтирилиши тадбиркорлик муҳитини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади ва давлат ҳамда бизнес ўртасидаги муносабатларини янги босқичга олиб чиқади.

Сурхондарёда саноатни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини қайта тиклаш ва янги корхоналарни ташкил этиш ишлари изчил бажарилмоқда. Натигада ҳудуднинг экспорт салоҳияти йилдан йилга сезиларли даражада ошмоқда.



Вилоят статистика бошқармаси маълумотига кўра, 2023 йили 3040 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич 4000 тага етган. Шунингдек, 2025 йили жами 3151 тадбиркорлик объекти ишга туширилган. Ҳозир Сурхондарёда 29 та йирик, 4820 та кичик саноат корхонаси

ЕНГИЛ САНОАТДАГИ ЗАЛВАРЛИ ҚАДАМ ҚУМҚҮРҒОНДА ХОМАШЕДАН МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШГАЧА БЎЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЛҚАСИ ШАКЛЛАНДИ

мавжуд. Ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 109,3 фойга етиб, савдо айланмаси 18,8 триллион сўмини ташкил этган. Хусусан, вилоят текстиль ва тўқимачилик саноатида ҳам 107,4 фойга ўсish кузатилди.

Жорий йил бошида Шеробод туманидаги муҳим саноат лойиҳаларидан бири "Zilantex" МЧЖ томонидан ип-йигирув фабрикаси фаолиятининг қайта йўлга қўйилиши бўлди. Туманининг Ғўрин-гилампоб маҳалласидаги ушбу корхона замонвий технологиялар билан жиҳозланиб, ишлаб чиқариш самардорлиги ва маҳсулот ҳажминини янада оширишга эришилди.

Лойиҳа доирасида йилга 12 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қуввати тикланди. Шу билан бирга, корхона негизда йиллик 10 минг тонна мато ишлаб чиқариш қувватига эга янги тўқув йўналиши очилди. Натигада ишлаб чиқариш жараёни хомашедан маҳсулот тайёрлашгача бўлган босқични тўла қамраб олди. Бу эса ҳудудда қўшимча қиймат яратиш ҳамда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтирди.

— Корхонамиз энг сўнгги, замонвий ускуналар билан жиҳозланган. Хитой ва Италиядан келтирилган юқори технологияли тўқув дастгоҳлари халқаро стандартларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда, — дейди корхона ходими Илхом Муродов. — Хомашени қабул қилишдан тайёр мато ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқич ягона технологиялар ҳақида бирлашган. Замонвий технологиялар эса меҳнат унумдорлигини оширди.



Юртнинг обод гўшалари. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида қатъий сифат назорати ўрнатилган. Сифат назоратида матонинг мустаҳкамлиги, зичлиги, чўзилиш даражаси ва кўриниши каби муҳим кўрсаткичлар аниқ ўлчувлар асосида баҳоланади. Шеробод каби чекка ҳудудда бундай лойиҳаларнинг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, мазкур йигирув фабрикасида 450 иш ўрни тикланди. Мато тўқиш фабрикасида 180 янги иш ўрни очилди. Бу рақамлар чекка ҳудуд учун салмоқли кўрсаткичдир. Айниқса, ишчи-ҳодимлар таркиби таҳлил қилинганда лойиҳанинг ижтимоий ҳолатга йўналтирилгани яққол намоён бўлади. Саноатнинг барқарор ривожига энергия самардорлик жуда муҳим. Шу мақсадда кредит маблағи эвазига корхонада йиллик 8,5 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур ташаббус орқали корхона электр билан барқарор таъминланади. Бу, ўз навбатида, корхонанинг узуқуё ишлашини кафолатлайди. Муҳими энергия учун чиким қисқариб, маҳсулот таннархи арзонлашади.

Кумқўрғон тумани Азларсой маҳалласидаги "Қумтекс" текстиль фабрикаси ҳам вилоят саноатида муҳим ўрин тутди. 2024 йили Кумқўрғон туманининг саноат кўрсаткичи 860 миллиард сўмини ташкил этган. 2025 йилда "Қумтекс" текстиль фабрикаси ишга туширилган, бу кўрсаткич 50 фойга ошди. Бундан ташқари, тумандаги донимий иш ўрни 1000 тага кўпайди.

— Биз муҳандис сифатида Кумқўрғон туманига таклиф этилганмиз. Барча ускунави энг замонвий ва жуда яхши сифатга эга. Мақсадимиз — корхонада ҳар ойда тахминан 3 миллион метр текстиль маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Ҳозир бу ердаги барча дастгоҳ ишламоқда, — дейди туркиялик муҳандис Айхан Булут. — Шунингдек, тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқаришга интиляймиз. Бунинг учун сифатли хомаш, маҳаллий аҳолидан иборат аҳил, тиришқоқ ва яхши мутахассислар бор.

Кумқўрғон тумани Азларсой маҳалласидаги 12 гектар ерда саноат ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этилган. Дастлабки босқичда мато тўқиш ва бўша чехлари ишга туширилди. Корхона раҳбарининг айтишича, тўқув бўлимининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 18 миллион погонometr бўлиб, ушбу чехда 400 дан ортиқ иш ўрни очилган.

— Тўқимачилик саноати бўйича технолол мутахассисман, — дейди покстонлик муҳандис Имрон Муҳаммад. — Корхона замонвий технология билан жиҳозлашга ёрдам бериш учун келганман. Ҳозир бу ерда барча технололгик линиялар бирма-бир синновдан ўтказилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига киришилди. Ушбу дастгоҳлар тўлиқ автоматлашган. Инсон омили иштироки деярли йўқ. Чунки барча ишлаб чиқариш жараёни тугмалар орқали бошқарилади. Қисқаси, буларнинг барчаси жаҳон стандартига тўла мос келади.

Замонавий технология тудайли корхонада энг энергия сарфи эвазига сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулот ички ва ташқи бозорда харидорини топмоқда. — Тўқув цехида табиий, синтетик ва аралаш толали турли матолар ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Убайдулла Файзуллаев. — Ҳар бир маҳсулот халқаро стандартларга мувофиқ лаборатория текширувидан ўтказилади. Лойиҳанинг иккинчи босқичида мато бўйлиб, гул босилади. Цехнинг бир суткалик қуввати 100 минг погонometr ташкил этади. Бу йиллик 36 миллион погонometr мато ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Корхонада мато ювишда фойдаланилган сув шунчаки тўкиб юборилмайди, балки 9 босқичдан иборат тозалаш жараёнидан ўтказилади. Шундан сўнг у ишлаб чиқариш ёки экинларни суғоришга яроқли ҳолатга келтирилади.

— Енгил саноат корхоналарида халқаро стандартларга мос, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва рақобатбардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди покстонлик мутахассис Нурмухаммад Зайний. — Бу борада юртнингизда ҳам салмоқли ишлар қилинати. Соҳа янгида ривожланмоқда. Бунга миқяс тариқасида "Қумтекс" ни айтиш киёв. Биз — хоржийлик ҳамкорлар бундан кейин ҳам ишни бирга давом эттириш ниятидаммиз.

Сарвар ТўРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Янги фармон

Президентимизнинг жорий йил 10 апрелдаги "Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида"ги фармони тараққиётнинг интеллектуал, илмий ва технологик пойдеворини мустақамлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин унда 2030 йилгача тизим илмий салоҳиятини бирлаштириш, илмий кластерлар ташкил этиш, олий таълим муассасаларининг академик, ташкилий ва молиявий мустақиллигини кенгайтириш орқали Ўзбекистоннинг минтақадаги таълим ҳамда илм-фан марказига айлантириш каби устувор мақсадлар аниқ белгилаб берилди.

Фармон фақат олий таълим, фан ва инновациялар соҳасини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжат эмас. У — давлатнинг келажак ҳақидаги қатъий позицияси, миллатнинг интеллектуал салоҳиятига юксак ишончи ва тараққиётнинг билимга таянган моделнинг ҳуқуқий ифодасидир.

эмас, балки реал иқтисодий, ижтимоий ва технологик самарага айланиши кераклиги сезилиб туради.

Шу маънода, фармон олий таълим соҳасини янги босқичга олиб чиқадиган энг муҳим ҳужжатлардан биридир. Чунки унда илм "сарфланадиган харажат" ўрнига "келажак қиймати"ни яратувчи инвестиция" сифатида қўйилган.

Таълим дипломатияси

Фармонда олий таълимни халқаро майдонга олиб чиқиш масаласига ҳам катта урғу берилган. Хусусан, олий таълимни ривожлантириш ва глобал марказ ташкил этиш, шунингдек, "Study in Uzbekistan" платформаси орқали чет эл фуқароларини Ўзбекистон олий таълим муассасаларига кенг жалб қилиш, ҳар йили

ривожлантириш, таълим сифатини дунё мезонларига мослаштириш, аввало, тил, мулоқот, академик маданият ва халқаро бошқарув компетенцияларига таянган ҳолда амалга оширилади. Демак, мазкур фармон олий таълим муассасалари жамоасидан ички интизомдан ташқари глобал фикрлаш, халқаро академик майдонда ўз ўрнини белгилашни талаб қилади.

Рақамли бошқарув ва сунъий онгга мослашув

Фармонга биноан, Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш маркази ташкил этилади. Бу нега керак?

фақат маъмурий таълимга эмас, балки стратегик кўриш, маълумот билан ишлаш, халқаро мезонларни аниқлаш ва рақамли трансформация бўйича ҳам чуқур тушунчага эга бўлиши керак. Бу эса олий таълим бошқаруви маданиятида ҳам туб янгиланиш бошланаётганини аниқлади.

Маблағ эмас, самарадорлик марказда

Фармондаги молиялаштиришга оид янгиликлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Унга кўра, олий таълим



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШ ПОЙДЕВОРИ



Дилшодбек РУСТАМОВ, Андижон давлат чет тиллар институти ректори

Фармоннинг энг муҳим жиҳати шундаки, у олий таълимни тарбия, илмий излаш, инновацион маҳсулот яратиш, билимни иқтисодий қийматга айлантириш ва бошқарув сифати билан чамбарчас боғлиқ яхлит экотизим сифатида талқин қилади. Ҳужжатда илгари сурилган "5Т" тамойили — таълим, тарбия, тадқиқот, тижориллаштириш ва тизимни такомиллаштириш — айнан шу янги фалсафанинг ифодасидир. Бу ёндашув, аслида, университетларнинг бутун миссиясини қайта кўриб чиқишни аниқлади: энди олий таълим муассасаси шунчаки кадр тайёрлайдиган маскан эмас, балки ижтимоий тафаккур, илмий ғоя, технологик ечим ва иқтисодий ўсиш манбаи бўлиши керак.

Натижага ишлайдиган модель

Бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Глобал рақобатда табиий эмас, интеллектуал ресурслар устун чиқмоқда. Қайси мамлакатда кучли таълим бўлса, уша ерда кучли иқтисодиёт, замонавий саноат, илгир бошқарув ва юқори фуқаролик маданияти шаклланади. Шу нуқтан назардан, фармон Ўзбекистон олий таълимини замонавий дунё стандартларига мослаштиришнинг изчил ва мантқий давом бўлди. Энди тизимда натижа учун масъулият ортади. Олий таълим муассасалари фаолияти аниқ индикаторлар, миллий ва халқаро кўрсаткичлар,

илмий салоҳият, таълим сифати, битирувчи тайёрлаш даражаси ва бошқарув самарадорлиги асосида баҳоланади. Бу эса университетларни табиий равишда янгиланиш, ички сафарбарликни кучайтириш, соғлом рақобат муҳитида ишлашга ундайди.

Айниқса, фармонда 2027 йилдан бошлаб олий таълим ташкилотлари миллий рейтингини жорий этиш, рейтинг натижаларига қараб тақабаллаштирилган рағбатлантириш механизmlарини қўллаш, ҳар бир талаба учун базавий харажатларни кўрсаткичларга қараб шакллантириш каби ёндашувларнинг белгилаши алоҳида аҳамиятга эга. Бу, бир томондан, маблағ тақсимотида шаффофликни кучайтирса, иккинчи томондан, "ким яхши ишласа, кўпроқ имкониятга эга бўлади" деган адолатли мезонни тизимга олиб киради. Олий таълим сифатини оширишда айнан мана шундай иқтисодий рағбат ва институционал жавобгарлик уйғунлиги энг самарали воситалардан биридир.

Илмий кластерлар — даврнинг асосий талаби

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати илмий тадқиқот университетлари ва илмий кластерлар тизимини ривожлантиришга қаратилганлигидир. Ҳужжатга кўра, устувор йўналишлар бўйича таллов асосида голиб бўлган олий таълим муассасаларига миллий тадқиқот университети мақоми берилиши, маҳаллий ҳамда нуфузли хорижий олий таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда яхлит илмий-таълимий тизимлар шакллантирилиши кўзда тутилган. Мазкур ёндашувнинг моҳияти жуда чуқур: университет энди аудитория билан лаборатория, лаборатория билан ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш билан бозор ўртасидаги занжирни боғлайдиган марказга айланиши керак. Бу, энг аввало, илм-фаннинг амалий самарадорлигини оширади. Йиллар давомида қўлбалаб мамлакатларда бир муаммо кузатилди: илмий мақола бор, лекин амалий маҳсулот йўқ; диссертация бор, лекин ишлаб чиқаришга кириб бормаган ечим йўқ. Фармон айнан шу узиллишни бартараф этишга қаратилган. Чунки унда тадқиқотнинг натижаси фақат ҳимоя қилинган илмий иш ёки chop этилган мақола



муайян квота асосида хорижий талабаларни грант ва стипендиялар билан қўллаб-қувватлаш механизmlарининг белгилаши мамлакатимиз таълим салоҳиятини экспорт қилувчи даражага кўтариши йўлидаги катта қадамдир.

Бу ташаббуснинг сиёсий ва маънавий аҳамияти ҳам катта. Чунки бугун халқаро нуфуз фақат дипломатик миссиялар ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки университетлар жозибадорлиги билан ҳам ўлчанади. Ўзбекистон бугун ана шундай таълим дипломатиясининг янги босқичига чиқмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг очилки сиёсати, минтақавий ҳамкорлик ва глобал интеграция стратегияси билан уйғунлашади.

Андижон давлат чет тиллар институти каби олий таълим муассасалари учун бу алоҳида масъулият юклайди. Чунки хорижий талабани жалб этиш, халқаро дастурларни кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни

Замонавий ОТМни фақат ўқув биноси ва аудиториялар билан тасаввур қилиб бўлмайди. У энг аввало, рақамли бошқарув, тезкор таҳлил, тўғри қарор қабул қилиш, маълумотлар асосида стратегия ишлаб чиқиш ва индивидуал таълим траекторияларини бошқариш имкониятига эга бўлиши керак. Сунъий интеллект, катта маълумотлар, рақамли мониторинг ва интеграцияланган ахборот тизимлари бугун бошқарув маданиятининг мезонига айланмоқда.

Айнан шу жиҳатдан фармон олий таълимни "кечаги модель" билан бошқариш даври тугаётганини кўрсатади. Энди уни-верситетни самарали бошқариш учун ректор, проректор, декан ёки кафедра мудирини

муассасаларини ривожлантириш учун қўшимча ресурслар ажратилади.

Жорий йилда республика бюджетидан 20 миллиард сўм, 2027 йилдан бошлаб эса ҳар йили 70 миллиард сўм маблағ Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади. Бундан ташқари, давлат грантларини филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига ҳам рақобатли механизм асосида тақсимлаш тартиби белгиланган.

Бу нимани аниқлади? Аввало, олий таълимда янги молиявий тафаккур шаклланаётганини аниқлади. Тизим энди фақат марказдан берилган маблағни ўзлаштириш мақсадида эмас, балки сифат, натижа, салоҳият ва стратегик устуворликка кўра ресурс жалб қилиш мантиғи бўйича ишлайди. Бундай модель интизом, ташаббус, аниқ режа, ички ислохот ва самарадорлик талаб қилади. Лекин узок муддатли

тараққиёт айнан мана шундай масъулиятли модель асосида таъминланади.

Олий таълим муассасалари учун бундан муҳим хулоса шуки, энди институт ва университетлар келажакни ўз стратегияси, жамоаси, илмий мактаби ва ташаббуслари билан белгилайди. Бу эса мустақилликни кенгайтиради, бироқ айни пайтда жавобгарликни ҳам оширади. Мустақиллик ва жавобгарлик уйғунлиги бўлмаган жойда эса ҳақиқий тараққиёт бўлмайди.

Ҳудудий ОТМлар учун тарихий имконият

Фармоннинг яна бир жиҳати, у ҳудудий олий таълим муассасалари учун ҳам мулкдош янги имкониятлар эшигини очди. Чунки илмий кластер, рейтинг, грант, халқаро ҳамкорлик, рақамли бошқарув ва хорижий талабалар билан ишлаш каби механизмлар фақат бир неча марказий университетнинг имтиёзи эмас, балки салоҳият ва ташаббус кўрсата олган ҳар қандай олий таълим муассасаси учун очик майдондир. Шу жиҳатдан у Андижон давлат чет тиллар институти жамоасини ҳам янада фаол ишлашга ундайди. Энди биз фақат хорижий тил мутахассисларини тайёрлаш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Замонавий педагогика, таржимашунослик, халқаро коммуникация, таълим технологиялари, академик ёзув, рақамли тишунослик, маданиятлараро мулоқот, сунъий интеллект асосидаги тил таълими каби йўналишларда ҳам янги илмий ва амалий мактаблар барпо этишимиз лозим. Чунки бугунги олий таълимнинг бош мезони замондан олдин юришидир.

Фармон фақат олий таълим, фан ва инновациялар соҳасини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжат эмас. У — давлатнинг келажак ҳақидаги қатъий позицияси, миллатнинг интеллектуал салоҳиятига юксак ишончи ва тараққиётнинг билимга таянган моделнинг ҳуқуқий ифодасидир. Мамлакатимиз келажак бугунги аудиторияларда, лабораторияларда, кутубхоналарда, илмий мақолаларда ва инновацион майдонларда барпо этилади. Фармон ана шу буюк бунёдкорликка ҳуқуқий йўл очди.

Долзарб мавзу

Бахорнинг илқ кунларидан бири. Атроф чечаклардан бурканган, йўлак чегларидан анвоий гуллар шаҳар кўркига кўрк кўшиб турибди. Гавжум кўчалар, машиналар шовқини, одамлар оқими, ҳар ким ўз таъшишу қувончи билан кетаётгандек. Фарҳод учун бугун ўзгача кун. У гиёҳвандликка қарши волонтерлик ҳаракатига аъзо бўлди. Масъулият ва ишнинг нозик жиҳатлари ҳақида ўйлаганча йўлак бўйлаб кетар экан, одамлар руҳиятини ўрганиш, ҳар бир инсоннинг ички ҳолатини ҳис қилишга уринади. Одамни тўғри йўлдан адаштирадиган нарса ички бўшлиқ, тушкунлик ёки эътиборсизлик эканини у яхши билади.



ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ВОЛОНТЕРЛИК ҲАРАКАТИ улар яратган муҳитда соғлом турмуш меъёрга айланади

Кини гавжум жойларда ҳам ёлғиз бўлиши мумкин. Бекат орқасида қамб турган тенгқурлари юз-қўзида шуни илғади. Уларга яқинроқ бориб сўз қотди: ҳорманглар, ким-нидир кутяпсизми?

Ингитлар бир-бирига ялт этиб қаради. Гарчи уларнинг юзи сокин бўлса-да, ички ғалаёнини сезиш қийин эмасди. Кўрдикки, ишлар жойида эмас. Фарҳод тенгдошлари билан тинч ва дўстона суҳбатлашга қарор қилди. Дастлабки қизиқиш кейинги кўнгилсизликларга бошлаш, кўп ноқўя ишларнинг олдини олиш мумкинлиги, вазият қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон бунди удралашига ишончи комиллигини айтди.

Баъзан катта кураш тасодифий учрашувдаги кичик суҳбатдан бошланади. Фарҳод кейинчалик ҳам бу мулоқотни давом эттирди. Кимнидир нотўғри йўлдан қайтарди, бир инсоннинг ҳаётини, қайсидир оила саломатлиги, бутунлигини сақлаб қолди.

БМТ маълумотига кўра, дунёда 300 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолган. Ҳар йили 600 мингта яқин инсон шу иллат курбонига айланмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида бундай хавф-хатар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаетгани йўқ.

Юртимизда гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш борасида эътиборга молик ишлар қилиняпти. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган "Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотиқларга қарши курашиш" мавзусидаги халқаро форум ҳам бунинг тасдиғи. Сўнгги йилларда соҳада идоралараро ҳамкорликни мустақамлаш, профилактика механизmlарини ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ

қонун ҳужжати қабул қилинди. Бу муаммага тизимли ва узуқсиз ёндашув шаклланишини кўрсатади. 2024 йилда наркотиқларга қарши курашиш бўйича миллий стратегия қабул қилинган бу борадаги энг катта қадам бўлди.

Натижада кейинги йилларда наркотиқларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш кўрсаткичи 2,5 баробар ошди. Мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари 2 баробар, йўқ қилинган синтетик наркотиқлар 7 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 15 миңдан зиёд наркотиқ жиноят фош этилди. Қарийб 3,5 тонна гиёҳвандлик воситалари, жумладан, 120 килограмм синтетик наркотиқ йўқ қилинди, 14 та яширин нарколебартория ва 72 та йирик интернет-дўкон фаолиятига чек қўйилди.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамай наркотиқларнинг учдан бири ёшлар томонидан содир этилаётгани, асосий хавф гуруҳини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилаётгани бу иллатнинг аҳоли генотипига нақадар катта таҳдид эканини кўрсатиб турибди.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан "Анти-нарко" ёшлар офислари ташкил этилди. Уларда фаол ёшлар иш бошлади. Қисқа муддатда — атиги 2 ойда ушбу тизим амалий натижадорлигини намоён этди. Жумладан, фаолият давомида 17 миңдан ортиқ мурожаат қабул қилиниб, саралаш натижасида 2134 нафар фаол ёш координатордан иборат тармоқ шакллантирилди. Мазкур координаторлар жойларда профилактика тадбирларини ўтказишга жалб этилди.

— Координаторлар учун дастлаб ўқув семинари ташкил этилади. Малакаси оширилганидан сўнг уларга волонтерлик сертификати берилади, — дейди "Анти-нарко" ёшлар офис координатори Камола Низомиддинова.

Волонтерлар мактаб ва университетларда профилактик тадбирлар ўтказишади. Талабалар, ўқувчилар билан билим ва кўникмаларини ўртоқлашади. Уларни ҳам "Анти-нарко" ёшлар ҳаракатига тақлиф этади. Волонтер ўзгалар билан мулоқот қилаётганда қаршидаги инсонни тушуниши, вақтини қизганмаслиги, ишонч уйғота билиши, сабрга ўргата олиши керак. Фаоллик, муомала маданияти, ирода ва чидам, масъулият талаб қилинади. Онлайн семинарлар орқали билимлар мунтазам янгиланб боради.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун 200 координатор махсус амалий тренинглardan ўтказилиб, зарур кўникмалар билан таъминланди. 5500 дан ортиқ ёшлар онлайн ўқув семинарларда иштирок этиб, олган билимини имтиҳон орқали мустақамлади ва малака сертификатига эга бўлди. Ўқув семинарларда психологлар, ички ишлар инспекторлари иштирокида наркотиқ турлари, улардан сақланиш, аниқлаш ва зарур чоралар кўриш кўникмалари берилади. Бу волонтерларнинг кейинги фаолиятига қўл келади.

Муаммонинг олдини олишда тарғибот ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Ўз ўрнида ишлатилган ва тасвирчан тарғибот материаллари ёшларнинг хабардорлигини оширишга хизмат қилади. Шаҳарлар, кўчалар ва жамоат жойларида жойлаштирилган баннерлар, аҳолини тўғридан тўғри хабардор қилувчи буклетлар, ОТМ ва мактабларда фаол тарзда ўтказилган очик мулоқотлар, семинарлар каби тарғибот тадбирлари ана шу вазифани бажармоқда.

"Анти-нарко" ёшлар ҳаракати томонидан ижтимоий тармоқ платформаларида 60 дан ортиқ кенг қамровли медиатарғибот ўтказилди. Натижада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи контентлар ишлаб чиқиш ва тарқатиш ҳажми сезиларли ошди.

— Ижтимоий тармоқларда гиёҳвандликка қарши тарғиботлар ўтказамиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Масалан, яқинда ижтимоий сўровнома уюштирилди. Гиёҳвандликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак деган савол билан ёшларга юзландик. Қисқа метражли видеолар ҳам тез тарқалди. Кўп кўрилгани эса айрим тенгдошларимизнинг эҳтимолий хато қарордан қайтишига самарали таъсир қилган деган умид уйғотди. Қолаверса, бу муайян аудиториянинг қарашларини ўзгартирган бўлса, демак, саъй-ҳаракатларимиз бесапар кетмапти.

"Анти-нарко" ёшлар офисини тайёрлаган подкастда аср вабосига қарам инсоннинг кечинмалари олиб чиқилди. Қўтарилиш ва кулаш, ёлғизликдан қочиб, боғланиб қолиш, йўқотишлар, айбдорлик ҳисси ва тузалиш йўлига кириш ҳақидаги ҳикоя ёшларни гиёҳвандликнинг янгилик оқибатларидан огоҳ этиб, ундан сақланишга ундайди. Амалий чора доирасида 20 дан ортиқ "қизил ҳудуд" да мониторинг ва назорат кучайтирилди. Қирқдан ортиқ тунги рейд ўтказилиб, ноқонуний наркотикларнинг баргартар этилди.

Мақсад — мамлакат хавфсизлигини, инсон ҳаёти ва саломатлиги, одамларнинг келажакига салбий таъсир кўрсатадиган иллатнинг олдини олиш, ёшларда гиёҳванд моддалар истеммолига қарши мустақам иммунитет, наркотиқларга қарши нисбатан муносиб муҳит яратиш. Бундай муҳитда соғлом турмуш меъёри айланади. Соғлом фикрли, билимли ёшлар эса мамлакат равангага муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Муносабат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта қадим ва бетакрор Хива шаҳрида "Лазги" халқаро рақс фестивали ўтказиб келинмоқда. Айни ташаббусга асос бўлган қарорнинг ўз вақтида қабул қилиниши санъат аҳлини руҳлантириб, фаолиятимизга ўзгача бир шижоат ва куч бағишлади. Мазкур ташаббус тарихий, қадимий ва бетакрор куйимиз ҳисобланган "Лазги"ни асраб-авайлашга, замонавий ижро услубларини янада такомиллаштиришга, олимлар ва ижрочи мутахассислар томонидан унинг ижтимоий-тарихий илдизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари чуқур ўрганилишига хизмат қилади.

Бугунги кунда юқоридаги қарор ва ундаги "Лазги"ни улуғлаш йўлидаги эзу ташаббуслар тўла-тўқис ижрога кўчди. Қарорда кўрсатилганидек, апрель ойининг 25-30 саналарида ташкил этилиши режалаштирилган тадбир ўз вақтида ўтказиб келинаётгани қувонarli. Зеро, фестивални ўтказиш санаси аниқ белгиланиши дунёнинг энг чекка нуқталаридаги иштирокчилар учун ҳам аввалдан тайёрларлик кўриши имконини беради. Бу эса қатнашувчилар сафи кенгайишига ва тадбир янада жозибали ўтишига замин яратди.

Нуфузли халқаро тадбир кўҳна Ичанқалъада ўтказилиши хивалиқлар учун яна бир янги байрамга айланди. Халқимиз учун эса бу миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг гўзал қирраларини намойиш этиши имкониятидир. Бу гал ҳам тарихий Ичанқалъа "Лазги"нинг турфа оҳанглирига тўлди. Қай ёнга боқманг, фестивалга жуда катта тарафдор қўрилганига гувоҳ бўласиз. Иштирокчиларнинг юз-кўзида табассум. Уларнинг асарияти бу жаннатмақомад дегуба тақдор келгани ва яна келишини айтмоқда. "Лазги" III халқаро рақс фестивалида дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан истеъдодли раққослар, профессионал рақс жамоалари,



"Лазги" ДИЛЛАРНИ БИР-БИРИГА БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

рақс санъати усталари, мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ҳамда фахрий меҳмонлар иштирок этмоқда.

"Лазги" халқаро рақс фестивали мамлакатимизнинг маданий дипломатиясида муҳим ўрин тутадиган стратегик платформадир. Ушбу анжуман халқаро маданий бренд сифатида шаклланиб, унинг географияси ва иштирокчиларининг сони йил сайин ортиб бораётгани, бугунги фестивалда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб санъаткорлар, рақс жамоалари, олимлар ва экспертлар иштирок этётгани диққатга сазовордир", дейилади давлатимиз раҳбари табригида.

Дарҳақиқат, фестиваль туфайли азалий меҳмондўстлигимиз ва бағрикенглигимиз янада кенгрок намоён бўлди. Фестивални ташкиллаштириш ва кўнгилдагидек ўтказиш борасида йилдан йилга ортиб бораётган тажрибамиз табарук саҳнада бор бўй-баста билан акс этди.

Шу пайтга қадар ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинган мазкур фестивалга 2026 йилдан бошлаб ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти ҳам шафелик қилаётгани бутун санъат аҳлини ва биз — ташкилотчиларни бағоят мамнун этди. Чунончи, Ўзбек рақс санъати гўлгози бўлган "Лазги" уч минг йиллик тарихга эга бўлса-да, бугунги кунда ҳам ўзида замонавийлик билан бирга миллий руҳни бирдек сақлаб қолгани ва амалда ифода этиб келаётгани билан қимматли. Шунинг учун у янграган захоти ёшу қари бирдек кубайли, завқланади. Бу куй ҳақто санъати энг ривожланган мамлакатларини ҳам ўзига ормк эга оладиган қудратли кучга айланади.



Президентимиз табригида янги Ўзбекистонда маданият ва санъат ривожига устувор аҳамият берилётгани, хусусан, миллий рақс санъатини юксалтириш, соҳада юқори малакалик кадрлар тайёрлаш борасида кўп қўллаб-қўллаб қилинаётгани тили олинди. Айниқса, хореография соҳасида замонавий таълим тизими йўлга қўйилгани, машҳур "Баҳор" ансамбли фаолияти қайта тиклангани, "Лазги" ансамбли

ва бошқа ижодий жамоалар қўллаб-қувватланаётгани алоҳида таъкидлангани ҳам миллий рақс санъатимизга чуқур эҳтиром намунаси бўлди. Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг академияга айлантирилишидан мақсад ҳам илмий салоҳиятини юксалтириш ҳамда миллий рақс санъатимиз донинини дунёга кенгрок таратишдир, десак муболага бўлмайди.

Нуфузли фестиваль доирасида ҳар гал илмий-амалий конференция ўтказиб келинади. Рақслар тиллови турфа миллий рақсларимизнинг бадий қирралари ва бутун жақларимизнинг намоён этса, илмий муҳит маданий меросимиз тарғиботи учун қўлай платформа бўлиб хизмат қилади. Бу йил ҳам "Жаҳон маданий тараққиётида рақс санъати: аънава ва умумбашарий қадриятлар" мавзусидаги конференцияга астойдил тайёрларлик кўрилди. Ташкилотчиларга куч бағишлаётган асосий жиҳат шундаки, конференция доирасида йилдан йилга меҳмонларимиз сафи кенгайиб, олимлар сони ортиб бормоқда. Марказий Осиё давлатларидан ташқари Беларусь, Россия, Туркия, Сербия, Бразилия, Жанубий Корея, Япония, Испания, Минск, Буюк Британия, Франция, Грузия ва Ҳиндистон каби мамлакатлардан ҳам вакиллар келмоқда. Америка Кўшма Штатлари, Австрия, Иордания, Мексика, Гана ва Италия сингари мамлакатлар вакиллари эса онлайн тартибда иштирок этишини билдирди. Иштирок этиш қай тартибда бўлмасин, конференциянинг асосий вазифаси илм-фанни ривожлантиришдир. Зеро, шу пайтгача рақс санъати ва

рақс илмига нисбатан камроқ аҳамият берилади эди. Фестиваль доирасида биз айнан шу жиҳатларга ургу бериб, ҳамкорликда илмий ривожлантироқдамиз. Ўнбарин, миллий рақсимизни севиб ижро этар эканмиз, уни келажак авлодларимизга ҳам бекам кўст мерос қолдиришимиз керак. Бу эса жиддий илмий ишлар қилишни талаб этади. Илмий ишларимиз ва тадқиқотларимизни китоблар ҳолида қолдирмасак, ноёб маълумотлар йўқолиб кетиши мумкин.

Мамлакатимиз санъати дунё миқёсида кенг тарғиб этилиб, "Лазги" рақси қўллаб-қўллаб хориқликларни лол қолдираётган экан, биз илмий ишлар ва ижоддан сира тўхтамаслигимиз керак. Зеро, бугунги глобаллашув даврида, турли таҳликали вазиятлар юз бераётган бир пайтда халқларнинг эзгулик йўлида бирлашишига ва бир-бирининг миллий маданиятини қадрлашига хизмат қилиш улкан шарафдир. Дунё санъати вакилларини бир майдонга жамлаб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаётган "Лазги"миз умрбоқий бўлсин!

Шухрат ТЎХТАСИМОВ, профессор

Маҳалла ҳунарманди

— Хорманг, кўшни. Шу ёғоч керак бўлмаса, менга беринг, — деди Зубайдулла ака дарвоза ёнида анчадан бери ётган, бир пайтлар қуриб қолгани учун кесиб ташланган даррахт танасига ишора қилиб. — Қаерда ўтин, шох-шабба ётган бўлса, назарингиздан четда қолмас экан-да, уста. Нимага керак бўлди бу? — дея кўшниси унга саволмуз қилди. — Нимасини айтасиз. Шу кўзияга бошқача кўрияптида. Агар берсангиз, раҳмат айтардим...

У аллақачон бу ёғочдан хаёлида турли шакллар ясаб, кўнгли ёришиб юрганди. — Бу қуриган даррахт ўчоқдан бошқасига ярамайди. Ҳадемай қиш келади, тараша қилиб, печкага ёқамиз. Ҳарна уч-тўрт кунга ярайди. — Бекорга ёқиб, қул қилиб юбораркансиз-да, — деди уста ачиниб ва ёғочга термилиб қолди. Яқинроқ бориб, агардир кўрди. Узица нималарнидур хомчўтлади. Шу ўтинда бир ноёб ҳусурият бордек кўшниси ҳам ақин келиб эътибор билан қаради. Ҳеч нарсани сезмади.



САБР ВА МЕҲРДАН ЯРАЛАЁТГАН

Оддий тут ёғочи. Ҳеч бир қимматбахо жиҳатини билмади. — Шу ўтиннинг нимасига қизқингиз, билмадим. Лекин сизга берсам, ўтинсиз қоламан, кўшни. Яхшиси, қўйинг. Эрта-эндин ўғлим иккимиз майдалаб, ичкарига киритиб оламиз. Хафа бўлмайсиз... — Қўшни, келинг, келишайлик. Сизга ўтин керак бўлса, ўрига ўтин бераман. Менга буни берасиз. Шунда ҳеч муаммо қолмайди. Қўшни рози бўлмаслиқдан ўзга чора тополмади.

— Хўп, сизнинг эшик-ром ясайдиган уста эканингни биламан. Аммо буни нимага ишлатишингни айтинг. Шунда рози бўламан. — Майли-майли, фақат ҳозир эмас. Бир оз вақт берасиз, кейин сирини айтаман. Бу гап қўшнини янада қизқитиб қўйди. У шу кунни қуриган даррахтнинг кўтарилган уста билан ўғлининг ортидан афсуслангандек қараб қолди. "Бирор баҳона топиб, олинроқ ичкарига киритиб қўйсам бўларкан. Ҳай, майли. Нимага ишлатишини айтаман, деди-ку", дея ўзини юпатган бўлди.



санъат

Орадан вақт ўтди. Кўшниси ҳар сафар устани кўрганда кўюк сўрашиб, гап орасида ёғоч танасининг сирини ҳақида гап очиб қолар, дея умид билан боқарди. Лекин устанинг ҳали-бери бу ҳақда сўз очиб нияти йўқ. Орадани икки ҳафта ўтгач, сабри тугаган кўшни сўрашга мажбур бўлди. Уста эса: "Оз қолди. Кўрасиз. Фақат охириги иши қолди холис", дея қутулди.

... Уша кунни қўшнисининг розилигини олиб, кўндани ичкарига олиб кирган Зубайдулла ака ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир бундай қуруқ ёғоч бўлаги ҳамма ҳам топилавермайди. Яхши жиҳатни кунда тутиники, ундан ажойиб буюмлар ясаб мумкин. Қўшниси келиб, қайтариб олиб кетадигандек, уста дарҳол қўлга теша олиб, ишга киришди. Аввал кўндани яхшилаб тозалади, ортиқча жойларини йўқди. Устини текислаб, уч-тўрт қисмга бўлиб арралади. Бўлакланган гўлаларни обдон айлантириб кўрди. Нима ясаб мумкинлигини чамалади. Дастлаб лавҳ ясашга киришди. Бир оз мураккаб, кўп вақт талаб қилади, лекин чиройли чиқишига ишонди.

Орадани йигирма кунга яқин вақт ўтди. Зубайдулла ака кўшнисини уйига чақирди. Устахонасига етаклаб кириб, ўша кунни берган ёғочдан нималар ясаганини кўрсатди. Стол устида иккига лавҳ, яна бир-бирдан бежирим қутчалар турарди. Буларни кўриб, кўшниси ҳайратдан ёқа ушлади. Оддий ёғочдан шундай буюмлар тайёрланганига ишонмасди. Бир муддат буюмларнинг нақадар чиройли ясалганига маҳлиё бўлиб қолди. Устага ёғочни бермай, қизгангани ёдига тушиб, уялди. Оловга ташласа, бир зумда қулга айлиб кетиши мумкин бўлган даррахт танасидан маҳорат билан фойдалана олгани учун устага тасанно айтишдан нарга ўтолмади. Уста ҳам кўшнисини қуруқ қўли билан чиқармади. Бежирим қутчалардан бирини унга совға қилди...

Зубайдулла Сатторов болагидан расм чизишга қизиқарди. Айниқса, нақшларни ажойиб чизарди. Устозлари унинг иқтидорига қўйил қоларди. Кейинчалик у ёғоч ўймакорлигини бўйича ҳам тажриба ошириб борди. Мактабини тугатгач, ўша пайтдаги Республика

рассомлик билим юртига ўқишга ҳужжат топширади. Билим юртига номзодлар иқтидорига қараб, саралаб олинади. Касби туманининг олис Месит маҳалласида туғилиб ўсган йигитчининг чизган расмларини бирма-бир кўздан кечираркан, ҳайрат азозлари шубҳа билан қаради. Бошқа бировга қиздириб келган деган гумонда йигитнинг қўлига қалам тутқазилди. Ҳеч иккиланмай айтилган суратни қисқа муддатда чизиб берган Зубайдулла ўқишга қабул қилинди.

— Билим юртида беш йил ёғоч ўймакорлиги йўналиши бўйича таҳсил олганман, — дейди Зубайдулла Сатторов. — Уша пайтлари билим юртида ўқиб беш йиллик эди. Шу жараёнда ортлар кўмағида кўп нарсга ўргандим. Тажриба олтириб, қишлоққа қайтдим. Лекин бу касб билан нафақат маҳалламизда, балки туманда бирор киши шуғуланмасди. Мактабга ишга кириб, ёшларга ўргата бошладим. Кейинчалик уйда ўзим устахона очдим. Танишларимдан ёғоч, тут даррахтлари ёғочини олиб келиб, ишлов беришни йўлга қўйдим. Турли шаклда ясалган, нақшкор буюмларни сотиш мумаммо эди. Тайёрлаган буюмларим эса асосан эсдалик совғалар. Бу кўпроқ сайёҳларни қизиқтиради. Туманимизда у пайтлари хориқликлар келадиган бирор жой йўқ. Ҳамкасбларимдан маслаҳат сўрадим. Улар Самарқанддаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишини маслаҳат берди. Самарқандга бориб, айнан туристларга хизмат кўрсатувчи ишиблармон билан келишувга эришдим. Ҳозирга қадар тайёрлаган буюмларимни шу киши сотиб олади.

Оддий ёғоч бўлағига нақш солиб, ажойиб санъат асари яратиш осон иш эмас. Устанинг айтишича, битта буюм учун камида бир ҳафта вақт сарфланади. Бунинг учун сабри бўлиш керак. Қолаверса, нақш солиш оддий юмушмас. Энг аввало, устанинг рассомликдан таъбири бўлиши керак. Боиси, дастлаб ёғочга тасвир чизилиб, кейин ўйиб чиқилади. Бундан ташқари, ўзига хос бадий эстетика ҳам керак. Бунинг учун ҳам одим китоб ўқиган, миллий қадриятларимиз, тарихимиз ҳақида етарли даражада билимга эга бўлиши лозим.

— Бугун Қашқадарёда бу услубда ишловчилар жуда кам, — дейди уста. — Ҳозир

кўпчилик электрли техникалардан фойдаланишга ўтиб кетган. Мен фақат қўл меҳнатида ишлашам. Устозларим шу услубда ўргатган. Шунинг учун кўп вақт сарфлашга тўғри келади. Қўлда тайёрланган маҳсулотларнинг қайси дарахдан ясалганига эътибор қаратиш керак. Мисол учун, тут билан ёғоч каби дарахларнинг бўлақларидан чиройли буюмлар ясаб мумкин. Бошқалари бўш бўлгани сабабли тез синиб кетади.

Ҳунарини меҳр билан бажараётган устанинги ишини бир муддат кузатдик. Турли ҳажмдаги ўймакорлик усқуналаридан маҳорат билан фойдаланади. Кичик, думалоқ шаклдаги идишчининг ташқи томонида чиройли шакл бериб кўрсатади. Ён томонда тайёр буюмлар териб қўйилган. Тайёрланган ҳар бир буюм устанинг қанчалик маҳоратли эканини кўрсатиб турибди. Зубайдулла Сатторовнинг айтишича, қўл меҳнати ёрдамида тайёрланган маҳсулотларга хориқликларнинг қизиқини биланд. Масвум вақтида шу ҳунари ортидан яхшигина даромад топади. Келгусида Касби туманидаги Султон Мир Ҳайдар ота зиёратгоҳи олдига устахона очиб, шу ерда савдони йўлга қўйиб режаси бор. Қолаверса, икки шогирд олиб, уларнинг ҳам бандлигини таъминлашни мақсад қилган.

Акбар ҒОЗИЕВ, журналист

QR code and text: ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.